




**Бахт**  
қасри



*Ҳаётий  
сабоқлар*

821.521.133.31	2021/93-2
К-24	Каеваева З.
Бахм қасри	
Т-20214	887.11500

# **БАХТ ҚАСРИ**

**Ҳаётий сабоқлар**

Ғафур Ғулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий уйи  
ТОШКЕНТ – 2021

УЎК 821.521.133-31  
КБК 84-44 (5 Ўзб)  
Ҳ 24

*Тўплаб, нашрга тайёрловчи*  
**Зухраҳон ҲАМДАМОВА**

*Масъул муҳаррир*  
**Зилолаҳон СУЯРОВА**

**Ҳамдамова, Зухраҳон**

Бахт қасри. [Матн]: диний-маърифий/ З. Ҳамдамова. –  
Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий  
уйи, 2021. – 88 б.

Ушбу китобда асосан оилавий масалалар ёритилган  
бўлиб, бахтли турмуш қуриш учун ёшлар нималарга  
эътибор бериши кераклиги очиб берилган. Ундаги гўзал  
панду насиҳатлар, ажойиб маслаҳатлар, шунингдек, ҳаётий  
ибратли воқеалар барчага бирдек манзур бўлади.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2020 йил 22 июндаги 3419-сонли  
хулосаси асосида тайёрланди.*

© Зухраҳон Ҳамдамова, 2021  
© Ғафур Ғулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий  
уйи, 2021

ISBN 978-9943-7001-2-3

**Zangiota AKM**

Inventar № 2021/93-2

## Сўз боши

Бандаларига жуфт бўлиб яшаш табиатини берган Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин.

Қандай жуфт бўлиб яшашни ўргатиб кетган Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга саловату дурудлар ёғилсин.

Аллоҳ ва Расулининг кўрсатмаларига сўзсиз итоат этиб, умматларга бу борада ибрат кўрсатиб кетган саҳобаи киромларга Аллоҳнинг раҳматлари бўлсин.

Инсон ҳаётини муайян тартибга солиб турувчи мезонлар бор. Шариатимиз кўрсатмаларида шу ўлчовлар ўз ифодасини топади, албатта. Инсон ҳаётда ёлғиз яшай олмайди. Жуфт ҳолда, эр-хотин бўлиб яшашнинг қонун-қоидаларини, шаръий ҳукмларини теран англаб олиш ўша оилавий ҳаётнинг бахт-саодатини таъмин этиши мумкин.

Бўлажак эр-хотинлар учун шариатимиз қоидасига кўра никоҳ ўқилади. Уларнинг бир оила бўлиб яшашлари юзасидан гувоҳлар олдида ваъдалари олинади. Зотан, Қуръони Каримда никоҳ хусусида бир неча оятлар келади. Шунингдек, Расулуллоҳ (с.а.в.): *“Никоҳ менинг суннатимдир. Ким менинг суннатимдан юз ўгирса, мендан эмас”*, дея марҳамат қилганлар ва бошқа

бир ҳадисларида уйланишга, кўпайишга буюрганлар.

Умуман, никоҳнинг фазилатлари ва фойдалари бор. Шунга биноан эр ва аёлларнинг зиммаларидаги вазифалар ҳам бир олам. Имом Ғаззолийнинг “Уйланиш одоби” номли китобидан фойдаланган ҳолда ёзилган ушбу китоб ана шу масалалар юзасидан батафсил маълумот бера олади. Умид қиламизки, “Ҳаётий сабоқлар” ҳаётингиз давомида яқин “маслаҳатгўй”ингизга айланиб, китоб жавонингиздан муносиб жой эгаллайди.

## Уйланишдан олдин лозим бўлган амаллар

1) *Ўзига солиҳа ёр сўраб дуо қилмоқлиги.*

Аллоҳ таоло Ўзининг ояти каримасида шундай марҳамат қилади:

**“Улар: “Эй Роббимиз, Ўзинг бизга жуфти ҳалолларимиздан ва зурриётларимиздан кўзимиз қувонадиган нарса ҳадя эт ҳамда бизларни тақводорларга йўлбошчи қил”, дейдиганлардир”** (Фурқон сураси, 74-оят.)

Раҳмоннинг суюкли бандалари доимо жуфти ҳалолларидан ҳам, бола-чақаларидан ҳам кўзларини қувончга тўлдирадиган нарсаларни кўришни Аллоҳ таолодан сўраш билан бирга бунга ҳаракат ҳам қилишади.

2) *Ўзи учун солиҳа ва тақводор аёлни изламоқлиги.*

Бу борада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадиси шарифларида келиннинг қандай сифатларига эътибор бериш кераклигининг таълимини берганлар:

1. *Диндорлиги.*

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинадики, Набий алайҳиссалом: *“Аёл тўрт нарсаси учун никоҳланади: моли учун, ҳасаби учун, жамоли учун ва дини учун. Бас, диндорини танла, қўлинг тупроққа қорилгур”,* дедилар (Бешовлари ривоят қилганлар).

2. *Солиҳалиги.*

Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.)дан ривоят қилинади. Расулуллоҳ (с.а.в.): *“Дунёнинг ҳаммаси матодир ва дунёнинг энг яхши матоси солиҳа аёлдир”,* дедилар (Насайй ва Муслим ривоят қилганлар).

### 3. Болага меҳрибон ва эрига риояли бўлиши.

Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.)дан ривоят қилинади. Набий алайҳиссалом: *“Туя минган аёлларнинг энг яхшиси Қурайшнинг солиҳа аёлларидир. Болага кичиклигида энг шафқатлисидир. Эрга унинг қўлидаги нарсаси хусусида энг риоялисидир”,* дедилар.

Дарҳақиқат, бу сифатлар ҳар бир аёл учун ўта зарур бўлган сифатлардир.

### 4. Қиз бола бўлиши.

Жобир (р.а.)дан ривоят қилинади: *“Уйландим! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: “Қандайга уйландинг?” дедилар. “Жувонига”, дедим. “Бокира қиз олмабсан-да, у сен билан, сен у билан ўйнашардинг”, дедилар”.*

### 5. Муҳаббатли ва серфарзанд бўлиши.

Маъқал ибн Ясор розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *“Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: “Эй Аллоҳнинг Расули! Бир жамолли ва ҳасабли аёл топдим. Аммо туғмас экан. Унга уйланаверайми?” деди. “Йўқ!” дедилар. Кейин у зотга иккинчи марта келди. Яна қайтардилар. Сўнгра учинчи марта келганида: “Эрига муҳаббат қиладиган ва кўп туғадиган аёлга уйланинглар. Мен бошқа умматларга сизларнинг кўплигингизни кўз-кўз қилувчиман”, дедилар”.*

### 6. Сурур бағишлаши ва итоаткор бўлиши.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. *“Ё Расулуллоҳ, аёлларнинг қандоғи энг*



*яхшисидир?” дейилди. “Қачон назар солса, сурур бағишлайдигани, қачон амр қилинса, итоат қиладигани ҳамда эрига ўз жониди ва молида у ёқтирмайдиган нарса ила хилоф қилмайдигани”, дедилар (Сунан эгалари ривоят қилганлар).*

### **Совчилик**

Яқин ўтмишда туркларнинг совчилик борасида ажойиб урф-одатлари бор эди. Унга кўра совчиликка борилганда қиз уч нарсадан имтиҳон қилинарди.

\*Биринчиси – Қуръондан;

\*Иккинчиси – пазандачилик, уй юмушларидан;

\*Учинчиси – гилам устига ип тортилиб, унинг устида юрғизишган. (Бу орқали қизнинг соғломлигини текширишган.)

Биринчи имтиҳондан ўтолмаса, дарров қайтиб кета қолишган. Биринчисидан ўтса-ю, иккинчисидан ўтолмаса, қолганини ўзимиз ўргатиб олармиз, дейишган. Учинчисидан ўта олмаса, кўпинча Аллоҳнинг иродаси, чўлоқроқ ёки ғилайроқ бўлса, айб бунда эмас, деб барибир олиб кетаверишган. Бироз туғма нуқсони, дунёвий илмсизлиги туфайли биронта қиз эрсиз қолиб кетмаган. Чунки уларнинг асосий мезони Қуръон эди.

## **Биринчи ҳикоя** **Хотиннинг эрга таъсири**

Ҳасан Басрий раҳимахуллоҳ шундай ҳикоя қиладилар:

“Маккага борганимда бир кийим тожири олдида тўхтаб, ундан кийим сотиб олмоқчи бўлдим. Қарасам, тинмай молини мақтаб қасам ичади. Ундан бироз узоқлашдим-да, бундайлардан олмаган афзал, деб кийимни бошқа кишидан сотиб олдим. Орадан икки йил ўтиб, яна ҳажга бордим ва яна ўша кишининг дўкони олдида тўхтадим. Не ажабки, бу сафар на молларини мақтарди ва на қасам ичарди. Унга юзланиб: “Бир неча йил илгари дўконида мен бир тўхтаб ўтган тожир сиз эмасми?” деб сўрадим. “Ҳа”, деб жавоб берди у. “Унда бу ўзгаришнинг сабаби нима?! Молингизни мақтамайсиз, қасам ҳам йўқ!” дедим.

Шунда тожир ҳикоя қила кетди: “Менинг бир аёлим бор эди. Уйга кам пул топиб қайтсам, “дод” дерди, кўп топиб қайтсам эса, “Бу кам!” дерди. Кунлар ўтиб, бу аёлим вафот этди. Бошқасига уйландим. Бу аёлим ҳар бозорга чиқишга шайланганимда менга: “Отаси, Аллоҳдан кўрқинг, бизга покиза-ҳалолдан бошқа ризқ топиб келманг. Кам бўлса ҳам, кўп ўрнида кўрамиз, ҳеч нарса олиб келмасангиз ҳам, у-бу нарсани тўқиб, пуллаб ёрдамлашамиз”, дейди”.

Хулоса ўзингиздан...

## Келин танлашда тавсиялар

Имом Ғаззолий “Никоҳ одоби”да жуфт танлашда қуйидаги саккиз жиҳатга аҳамият бериш лозимлигини таъкидлаган:

1. Бўлғуси келиннинг дин-диёнатли бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳақиқий солиҳа, диёнатли аёлда кейинчалик бошқа ибратли, яхши жиҳатлар ҳам жамул-жам бўлади.

2. Яхши ахлоқли бўлиши ҳам муҳим. Зеро, махмадона, шаллақи, қаноатсиз, бузуқи аёлдан солиҳ фарзанд дунёга келиши даргумон. Шу боис бўлажак куёвларга миннатни хуш кўрадиган, шаҳватпараст, молпараст, бесабр, кўча учунгина безанадиган, хулқи ёмон қизлар билан оила қурмаслик тавсия этилади.

3. Келиннинг гўзал, хушрўй бўлиши ҳам аҳамиятга эга. Чунки муҳаббатни алангалантирувчи омиллардан бири чехра гўзаллигидир. Кўримсиз аёл чехраси кўнгилни тезда зада қилиши мумкин. Шу билан бирга, гўзаллик диёнат ҳамда хушхулқлик билан айро бўлмаслиги лозим. Диёнатсиз, бадхулқ аёлнинг чехра гўзаллиги бузуқликка етаклаш хавфи бор.

4. Келинга бериладиган маҳрнинг оз бўлиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

5. Келиннинг туға олиш қобилиятига эга бўлиши ҳам ўта муҳим. Ҳақиқатан, ҳомиладор бўлиш имкониятидан маҳрум аёлларга уйланмасликни кўп олимлар маъқуллашган. Чунки уйланишдан кўзланган мақсадлардан бири ўзидан зурриёт қолдириш, наслни давом эттиришдир.

6. Жуфтликка танланган қиз бокира бўлгани яхши. Сабаби:

– бокира келинчак илк дўст қадрини англаши боис фақат ўзи билган эрини сева олади, одатда у билан кифояланади, олдин эркак синаган аёлга нисбатан эрига муҳаббатли бўлади;

– бокира аёл эри томонидан кўпроқ севилади, чунки рафиқасининг олдинги турмушини эслаш эркак кўнглини ғаш қилиши, эҳтиросини сусайтириши мумкин;

– олдин турмуш қурган аёл биринчи эрини кўпроқ эслайди. Зеро, муҳаббат илк жуфт билан жўшқинроқ бўлади, хотирада яхшироқ сақланади.

7. Аёлнинг насл-насабли бўлиши ҳам турмушда муҳим ўрин тутаети. Ўзбекчиликда етти аждоднинг суриштирилиши бежиз эмас. Зотан, таг-тугли, зоти асл, диёнатли қизларгина келажакда ифбатли, ҳаёли муслима аёл бўлиб, солиҳ ва соғлом фарзандларни тарбиялашга қодир бўлади. Бу ўринда наслий касалликларни суриштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

8. Жуфтликка танланган аёл яқин қариндош бўлмагани маъқул. Чунки шаҳват қуввати ҳам эҳтиросли назар, эркалашлар шижоатига узвий боғлиқ. Замонавий тиббиёт илми эҳтирослар жўшқинлиги аёлнинг нотанишлигига боғлиқ эканини эътироф этмоқда. Аниқланишича, яқин қариндошлардан тузилган оиладаги эркакларда “руҳий мижоз сустлиги” дарди анча кўп учрар экан.

## Никоҳ тўйини қилиш кимнинг зиммасида?

Авваллари бу савол ўртага ташланмаган, чунки никоҳ тўйи кимнинг зиммасида эканини ҳамма яхши билган ва унга амал қилган. Ҳозир ҳам кўпчилик жамиятларда, ҳатто мусулмон бўлмаган халқларда ҳам тўйни эр тараф қилади. Агар “Никоҳ тўйини келин тараф қилиши керак”, деган гап айтилса, уларнинг ҳуши бошидан учиб кетиши турган гап. Айниқса, “Ош қиз тарафда бўлади, куёв томон ҳолига қараб келин тараф қилган тўй ошига икки юз элликтагача, баъзида ундан ҳам кўпроқ одам олиб келади. Агар келин тараф уларни яхшироқ кутиб олмаса, балога қолади”, дейилса, мутлақо ишонишмайди. Ҳа, шариат кўрсатмасига амал қилмаслик оқибатида инсон табиатига тўғри келмайдиган ана шундай нарсаларни қилишгача олиб боради.

Аслида, никоҳ тўйини қилиш эр тарафнинг вазифасидир. Бунга ҳужжат ҳам бор, далил ҳам.

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам оналаримизга уйланганларида барча ҳолатларда, ўша вақтнинг имкониятидан келиб чиқиб, ўзлари никоҳ тўйи қилганлар. Бирорта онамизга: “Отангга айт, тўй қилиб берсин”, демаганлар. Зотан, ўзини эр билган одамга бу гапни айтиш ордир.

2. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйланган эркак саҳобаларга никоҳ тўйи қилишни буюрганлар. Бунга юқорида ўтган Абдурроҳман ибн Авф розияллоҳу анҳу хусусидаги ҳадис мисол бўлади.

3. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам никоҳ тўйи қилишни, камбағал бўлса ҳам, ўз куёвлари Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхуга топширганлар.

“...Эртасига Али ибн Абу Толиб келиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга яқинроқ жойга турди ва у зот эшитадиган қилиб:

– Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизларига совчилик қилмоқчи бўлувдим. Ўзимнинг бирор нарсам ҳам йўқ эди. Аммо яқинлик ва меҳрларидан умидвор бўлиб сўраган эдим, – деди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дарҳол буни мулоҳаза қилдилар ва у кишига оғир ботмайдиган қилиб:

– (Маҳрга) бирор нарсанг борми? – дедилар.

– Йўқ, ё Расулуллоҳ, – деб жавоб берди Али.

– Ҳутамийя совутинг қани? – дедилар.

– Ўзимда, ё Расулуллоҳ, – деди.

– Бўлмаса, ўшани бер, – дедилар.

Али ибн Абу Толиб совутни олиб келди.

Тўй кечаси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам куёв бўлмиш Али ибн Абу Толибга:

– Эй Али, келинга бир тўй ҳам қилмоқ керак, – дедилар.

Шунда Саъд ибн Муоз розияллоҳу анху:

– Менда бир кўчқор бор! – деди.

Ансорийлардан бир гуруҳи бир неча соъ жўхори жамлаб келишди. Ана ўша нарсалардан тўй зиёфати уюштирилди...”

4. Ислом уммати ва уламолар жумхурининг ижмоъи.

Нима учун никоҳ тўйи қилиш эркакка юклатилган?

Аввало, эркакка эркак бўлгани учун никоҳ тўйи қилиш юклатилган. Зотан, янги қурилган оила унинг номидаги оила бўлади. Мазкур оиланинг бошлиғи айнан эркакдир. Хотини қилиб берган тўй эркакка шараф эмас, ор-номус бўлади.

Иккинчидан, бир қиз ота-онадан туғилиб, уларнинг тарбиясини кўриб, энди вояга етганда уларни ва бошқа оила аъзоларини ташлаб, бошқа тарафга ёлғиз ўзи бориб, янги оилага аъзо бўлишга рози бўлишининг ўзи куёв ва унинг оиласи учун шарафдир. Бу билан куёв ва унинг оиласининг жамиятдаги обрўси ошади. Бунга эса айнан келин сабабчи бўлади. Шунинг учун ҳам куёв тараф келиннинг шарафига тўй беради.

### **Бахтли бўлишнинг ўн сари**

Бахт сари интилаётган ҳар бир инсон борки, Аллоҳ таоло розилиги йўлида ҳаракат қилади. Дунёда жинси, ёши, мутахассислиги ва бошқа хислатларидан қатъи назар, бирор инсон йўқки, бахтли бўлишни истамаса. Бахтли бўлиш учун, аввало, бахт ўзи нима эканини тушуниб олиш зарур.

Бахт – бу кишида ўз ҳолатидан тўла қониқиш ва мамнунликни акс эттирувчи ҳиссиётдир.

Қуйида бахт сари етакловчи ўнта босқич санаб ўтилади:

1. Аллоҳ таоло розилигига эришишга ҳаракат қилиш. Инсонни ҳеч нарса Аллоҳ розилигига

эришишчалик бахтли қила олмайди. Инсон қа-  
ерда бўлмасин, Аллоҳ таоло розилиги йўлида  
ҳаракат қилса, ҳаётидаги асосий вазифани ба-  
жараётгани сабаб ўзи ва ишларидан қониқиш ҳис  
қилади.

2. Шукрона. Мавжуд ҳолатимизга қанчалик  
шукр қилсак, бизга берилган нарсалардан  
шунчалик кўп хурсандчилик, руҳий хотиржам-  
ликни оламиз. Бундай инсонни Яратган ҳам  
янада кўпроқ инъомлар билан тақдирлайди.  
Аллоҳ ато этган неъматларга шукр қилиш ҳар бир  
мўминнинг вазифасидир.

**“...Қасамки, агар сизлар (Менинг берган  
неъматларимга) шукр қилсангизлар, албатта,  
(уларни янада) зиёда қилурман...”** (Иброҳим  
сураси, 7-оят).

3. Танангизни эмас, қалбингизни тўлдилинг –  
сизга ички бахт, қалбингизга хурсандчилик олиб  
келувчи нарсалар устида ишланг. Хайрли амаллар  
билан машғул бўлинг. Кимнидир бахтли қилиш  
кишининг ўзига ҳам хурсандчилик ҳадя этади.  
Инсоннинг бахти мол-дунё билан эмас, қалб  
бойлиги биландир.

4. Ўзингизни бошқалар билан солишти-  
ришдан қочинг. Ўзингизни сиздан бой, мар-  
табали, дунёвий бойлиги бисёр одамлар билан  
солиштирманг. Бунинг ўрнига пайғамбарлар ва  
саҳобийлар ҳаётига назар солинг ҳамда улардан  
ибрат олишга интилинг. Зеро, ҳар бир инсон  
Аллоҳ олдида ўз иймони билан баҳоланади.

5. Аллоҳдан ўзгасидан умидвор бўлманг.  
Ёлғиз Ундангина ёрдам кутинг. Зеро, фақатгина У  
инсоннинг ҳолатини ўзгартиришга қодир.



6. Атрофдагилар билан яхши муносабат ўрнатинг. Инсон ҳамиша атрофдагиларга марҳамат кўрсатиб, уларга ғамхўрлик қилиш ва ёрдам беришга тайёр бўлиши лозим. Аллоҳнинг Пайғамбари (с.а.в.) ҳам оилада ўзаро алоқаларни яхшилаш ва атрофдагилар билан хушмуомала бўлишга тарғиб қилганлар.

7. Кун тартиби. Кимнинг кун тартиби тўғри ташкил этилган бўлса, уни ишларини амалга оширишга халақит берувчи уйқуга тўймаслик безовта қилмайди. Уйқуси чала бўлган инсоннинг иш фаолияти ҳам суст бўлади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ўз вақтини учга бўлганлар: бир қисми Аллоҳга ибодат учун, бир қисми оила ва жамоат ишлари учун, яна бир қисми ўзларига ажратилган вақтдир.

8. Ҳамиша одамлар орасида бўлиш. Маълум кишилар жамоаси билан бирга бўлиш хавфсизлик ва ҳимояда бўлиш демакдир. Бундан ташқари қийинчилик вақтида умидсизликдан асрайди. Фақатгина ўзингизга эмас, бошқаларга ҳам фойдали иш билан шуғулланинг. Зеро, мусулмон уммати бир бутун тана кабидир. Агар кўзи ёки боши оғриси, бутун тана оғриқдан азоб чекади.

9. Ҳалол маҳсулотлар истеъмол қилиш. Тўғри овқатланиш бизга танамизни соғлом формада ушлаб туришга ва кундалик ишларни хотиржам амалга оширишга ёрдам беради. Шу билан бирга, ҳалол маҳсулотларни истеъмол қилиш билан инсон Аллоҳ буйруғига итоат этган бўлади.

10. Яхши жисмоний ҳолат. Соғлигимизнинг жойидалиги бизнинг бахтимиз кафолатидир.

Замонамиз олимларининг изланишларига кўра, жисмоний машқлар инсонни депрессиядан асрайди ва яхши жисмоний машғулотдан кейин эндорфинлар миқдори ошади.

Аввало, Аллоҳнинг иродаси ва юқоридаги 10 та босқичга амал қилиш сизга янада кўпроқ хурсандчилик ҳамда бахтни тақдим этишига умидвормиз.

### **Никоҳдаги зиддиятни ечиш учун 4 қадам**

Никоҳ мавжуд экан, эр-хотин ўртасида маълум келишмовчиликлар, зиддият ва фикрлар қарама-қаршилиги бўлиши табиий. Зеро, икки номукамал шахснинг фикри доим ҳам бири-бирига мувофиқ ва мос келавермайди. Бунга доно халқимиз “Турмуш – мушт”, дея содда, ихчам ва бамаъни қиёс беради. Ҳеч ким бу зиддиятдан суғурталанган эмас. Шундай экан, муқаддас никоҳ ришталари билан боғланган оиланинг эртаси ва бахтли турмуш учун келишмовчиликларни бартараф этишнинг турли йўлларини ўрганиб бориш мақсадга мувофиқ. Енгилтаклик билан улардан қочиш ёки бошқа жуфт излаш қарори бизни доим ҳам истакларимиз ижобатига олиб бормайди.

Унутмаслик керакки, оиладаги зиддиятларни ҳал қилишда энг муҳими жуфтимишнинг харакатерини бориचा қабул қилиш, ютуқ ва камчиликлари билан қадрлаш зарур. Зеро, инсон қанча бўлса, унинг феъл-атвори ҳам шунча турфа бўлади. Ҳаммада ҳам нуқсон ва камчилик

бор. Жумладан, бир ёстиққа бош қўйган турмуш ўртоғингизда ҳам. Никоҳ бардавомлигида унинг фикрини ҳурмат қилиш ва холислик муҳим аҳамиятга эга. Бу муаммога ечим топишда асосий кўмакчи.

Мутахассислар ва оила илми нуктадонлари зиддиятларни ҳал қилишнинг 4 асосий жиҳатини белгилашди. Улар қуйидагича:

*1. Ёндошувни юмшатиш!*

- Мулоҳазаларда “Сен” билан бирга “Мен”ни қўллашни унутманг:

\*“Сен мени ҳеч қачон эшитмайсан” ёки “Мен ўзимга нисбатан лоқайдликни ҳис қилаяпман”;

\*“Сен ҳеч қачон бунга тушунмайсан” ёки “Бунини мен ҳам тушунишим мушкул”.

- Нима ҳис қилаётганингизни ва нима бўлаётганини бир жойга ёзиб қўйинг ҳамда муҳокама қилманг:

\*“Сиз ҳеч қачон менга уй ишларида ёрдам бермайсиз” ёки “Уй ишлари бир ўзимга оғирлик қилади”.

- Истакларни айтиш йўлини ўзгартиринг ва хушмуомала бўлинг!

- Хато ва камчиликларни тан олишдан чўчи-манг!

*2. Оғир ва босиқ бўлинг!*

- Зиддиятдан чарчаганингизни англашига вақт беринг.

- Муаммо яқуни кўринмаётган бўлса, танаффус (тайм-аут) қилинг.

- Тинчлантирувчи ишлар билан машғул бўлинг (ибодат, уйқу, мутолаа ва ҳаказо).

– Ўзига келиши учун масофа ташланг.

### *3. Келишишни ўрганг!*

– Келишув икки томоннинг истак ва фикрлари ўзаро ҳурмат билан қабул қилинганда самарали.

– Сиз барчасини ҳам қабул қилишга мажбур эмассиз, бироқ жуфтингизнинг қарашларини тушунишга ҳаракат қилинг.

– Унинг нуқтаи назарини англаш учун саволлар беришдан эринманг.

– Мулоҳазалари асослими ёхуд мантиққа эгами, кўриб чиқинг.

– Келишиш – бу турли тафовутлар ва қарама-қарши истаклар муҳокамаси бўлиб, икки томон учун ҳам манфаатли яқуний қарор, деганидир.

### *4. Сабрли бўлинг!*

– Ўз жуфтини камчиликлари билан қабул қилиш – бебаҳо муҳаббатнинг исботи.

– Унинг ўзгариши учун сабрни қурол қилинг.

– Икки номукамал шахс бахтли ҳаётни фақат бирга, ҳамкор ва ҳамфикр бўлиб қуришингиз мумкинлигини унутманг.

## Иккинчи ҳикоя

### Ҳикмат

Бир йигит уйлангач, отаси уни муборакбод этиш учун уйига меҳмонга борибди. Бир оз суҳбатдан сўнг ота ўғлидан оқ қоғоз, қалам ва ўчирғич келтиришини сўрабди. Йигит ҳайрон бўлиб:

– Нима учун, эй ота? – деб сўрабди.

Ота яна гапини такрор айтиб, талаб этган нарсаларини келтиришини буюрибди.

Йигит қоғоз ва қалам келтирибди, аммо ўчирғич топа олмабди.

Шунда ота ўғлига:

– Ундай бўлса, бориб ўчирғич сотиб олиб кел, – дебди.

Йигит отасининг гапларига тушунмай, атайин бозорга бориб, ўчирғич сотиб олиб келибди. Сўнгра ота ёнига келиб ўтирибди.

– Ёз!

– Нимани ёзай?

– Истаган нарсангни ёз.

Йигит бир жумла ёзибди.

Сўнгра ота дебди:

– Энди ёзганларингни ўчир!

Йигит ўчирибди.

Ота яна:

– Ёз! – деб буйруқ берибди.

Ўғил:

– Ота, Роббимиз ҳаққи, менга айтинг, мендан нима истайсиз ўзи?

Ота:

– Ёз! – дебди.

Йигит ёзибди.

- Ўчир!

Йигит ўчирибди.

Ота яна:

- Ёз! - дебди.

Ўғил дебди:

- Сиздан, Аллоҳ ҳаққи, буларнинг сабабини айтишингизни сўрайман.

Ота:

- Ёз! - дебди.

Ўғил ёзибди...

- Ўчир! - деган экан, ўғил яна ўчирибди.

Сўнгра ота ўғлига боқиб сўрабди:

- Варағинг ҳали ҳам оқ тусдами?

Ўғил:

- Ҳа! Аммо нима учун эди булар?

Ота ўғлининг елкасига қоқиб дебди:

- Эй ўғлим, турмуш доимо ўчирғич деган нарсага муҳтож бўлади. Рўзғорингда аёлинг томонидан сени суюнтирмайдиган воқеалар содир бўлса-ю, сен уларни ўчириб турмасанг ёки аёлинг ўзи билан ўчирғич олиб юрмаса ва сен томондан содир бўлган баъзи бир уни суюнтирмайдиган воқеаларни вақтида ўчириб турмаса, турмуш саҳифаларингиз бир неча кунда тўлиб, қора тусга киргай!

Нақадар ҳикматли сўзлар!

Ҳаётингиз осойишта ва саодатли давом этишини истасангиз, доимо хатоларни ўчирувчи, кечирувчи ва гўзал хулқ соҳиби бўлинг!

Дўстлик, ака-укачилик ва қариндош-уруғлик ришталари давом этсин (дарз кетмасин), десангиз, хатоларни ўчириб турунг.

## Эр ва аёл ҳақ-ҳуқуқлари

Ислонда эр ва хотинлик алоқалари энг муқаддас инсоний алоқа эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Аммо ўша алоқалар қай тарзда йўлга қўйилиши кераклигини ҳам билишимиз ва мазкур билимга амал қилишимиз лозим.

Эр-хотиннинг ўзаро муносабатлари қандай бўлиши керак? Эр киму унинг қандоқ мажбуриятлари бор? Хотин киму унинг қандай мажбуриятлари мавжуд? Икковларининг қай тарзда оилавий ҳуқуқлари бор? Бир-бирларига муносабатлари қай ҳолда бўлиши керак?

Шариатимизда ушбу ва шунга ўхшаш саволларнинг барчасига жавоб берилган. Қуръони Карим оятлари ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида бу масала атрофлича ёритиб берилган. Мужтаҳид уламоларимиз мазкур оят ва ҳадислардан кўплаб ҳукмларни чиқарганлар.

Ҳамма ҳужжат ва далилларни тўплаб ўрганган уламоларимиз эрнинг хотиндаги ҳақларини қуйидагича баён қилганлар:

1. *Аёл киши ҳузурида эри бор вақтда унинг рухсатисиз нафл рўза тутмаслиги лозим.*

2. *Аёл киши эрининг рухсатисиз бегона одамни уйига киритмаслиги керак.*

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: *“Аёл киши учун эри борида унинг изнисиз рўза тутмоғи ва унинг изнисиз уйига бировни киритмоғи ҳалол эмас”,* дедилар (Тўртовлари ривоят қилган).

Аёл киши ҳузурида эри бор вақтда унинг рухсатисиз нафл рўза тутмаслиги лозим. Фарз рўза тутиш учун ҳеч кимнинг изни керак эмас. Шунингдек, эр ғойиблигида (йўқлигида) нафл рўза тутса ҳам бўлаверади.

Аммо эр борлигида аёл фақатгина унинг изни ила нафл рўза тутмоғи керак. Чунки ҳар қачон эрининг у билан бирга бўлгиси келиб қолиши мумкин. Нафл рўза эса бу ишга тўсиқ бўлади.

Эрнинг изнисиз аёл нафл рўза тутиб олган бўлса, эр бундан беҳабар аёли билан бирга бўлиш истагини билдирса, орада келишмовчилик, уруш-жанжал чиқиши мумкин. Бу нарсанинг бир неча марта такрорланиши эса ёмон оқибатларга олиб бориши турган гап.

Исломда турмуш ўртоғининг шаръий ҳаққи нафл ибодатдан устун қўйилмоқда! Бу ҳақиқатни мусулмонлар жуда яхши тушуниб етмоқлари ва унга оғишмай амал қилмоқлари лозим.

Иккинчи ҳақ – аёл киши эрининг рухсатисиз бегона одамни уйига киритмаслигидир. Бу ҳам эрнинг ҳақларидан бири. Чунки эри йўғида унинг уйига кирган одам туфайли оилага катта зарарлар етиши мумкин. Ўша одам ёмон бўлса, ёлғиз аёлга ёмон кўз билан қараши ёки ҳаракат қилиши, оила сирларини ташқарига олиб чиқиши мумкин. Ёки мутлақо эрига ёқмайдиган, унга душман одам бўлиб чиқар. Ўзини билган ҳар қандай муассаса ва ташкилот ҳам бошлиғининг изнисиз ҳар кимни ўзининг муҳтарам жойларига киритавермайди. Оиланинг энг муҳтарам жойи бўлмиш уйга оила бошлиғининг изнисиз тўғри



келган одамни киритавериш уни хурматсиз қилиш бўлади.

*3. Аёл киши эри хоҳлаган вақтда шаръий узр бўлмаса, унинг жинсий эҳтиёжини қондириши керак.*

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади. Набий соллаллоху алайҳи васаллам: *“Қачон эр ўз хотинини тўшагига чақирса-ю, у келишдан бош тортса, уни фаришталар тонг отгунча лаънатлаб чиқурлар”*, дедилар (Учовлари ривоят қилишган).

Шаръий узр дейилганда фарз рўза тутган, ҳайз ёки нифос кўрган ҳолатга ўхшаш динда жинсий алоқа ман қилинган ҳолатлар кўзда тутилади. Зотан, эру хотин бўлиб оила куриб яшашнинг имтиёзларидан бири ҳам шу. Эрдир, аёлдир хоҳлаган вақтида ўзининг жуфти ҳалоли билан, оила доирасида, шаръий никоҳда, ҳалол-пок йўл билан жинсий эҳтиёжларини қондириш имконига эга.

Аёл киши эри уни тўшакка чақирган пайтда бош тортса, ана ўша асосий мақсадларидан бирини бажаришдан бош тортган бўлади. Бу иш аста-секин соғлик, меҳр-муҳаббат, ижтимоий ва бошқа тарафлардан зарарлар етишига, бора-бора оилада келишмовчилик келтириб чиқариб, ҳатто унинг бузилишига олиб бориши ҳам мумкин.

Шунинг учун ҳам бу иш Ислом шариатида ўта муҳим аҳамиятга эга иш сифатида баҳоланган. Бу маънони ҳозирги замонда турли инсонга хос илмлар ҳам тасдиқлади.

#### 4. Хотиннинг эрга итоат қилмоғи.

Қайс ибн Саъд розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Ҳийрага борганимда форсларнинг Марзубонга сажда қилаётганларини кўрдим. Ўзимча Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бундоқ қилишга ҳақлироқлар, дедим.

Набий соллаллоху алайҳи васаллам олдиларига келиб, буни у зотга айтдим. Шунда у зот: “Айтгин-чи, бир қабрнинг олдидан ўтсанг, унга сажда қилар эдингми?” дедилар.

“Йўқ”, дедим.

“Ундоқ қилманглар! Агар бировни бировга сажда қилишга амр қилгудек бўлсам, хотинларнинг эрларига сажда қилишларига амр қилган бўлур эдим, (бу) Аллоҳ уларга аёллари устидан берган ҳақнинг улуғлигидан”, дедилар” (Абу Довуд, Ҳоким ва Термизий ривоят қилишган).

Термизийнинг лафзида: “Агар бировни бировга сажда қилишга амр қилгудек бўлсам, хотинни эрига сажда қилишга амр қилган бўлур эдим”, дейилган.

Эр – оиланинг раҳбари. Агар аёл эрнинг итоатида бўлса, фарзандлар ҳам отага итоат қиладиган бўлади. Оқибатда оилада дўстлик, муҳаббат ҳукм суради, оила мустаҳкамланади, қут-баракали бўлади.

Аёлнинг эрига итоатсизлиги эса оиланинг бузилишига, бошқа кўплаб ноқулайликларга сабаб бўлади. Ушбу ҳақиқатни ҳар бир мусулмон оиланинг ҳар бир аъзоси яхшилаб тушуниб олмоғи керак.

Шу билан бирга Аллоҳга гуноҳ бўладиган ишларда эрга ҳам, ундан бошқага ҳам итоат

қилиш йўқлиги умумий қоида эканини ҳам билиб қўйиш керак.

*5. Аёл киши ўз эри ёмон кўрадиган кишиларни уйга киритмаслиги ва унинг тўшагига ўтказмаслиги керак.*

Амр ибн ал-Аҳвас розияллоху анхудан ривоят қилинади. Набий соллаллоху алайҳи васаллам: *“Огоҳ бўлинглар! Албатта, сизнинг хотинларингизда ҳаққингиз бордир ва хотинларингизнинг сизда ҳақлари бор. Сизнинг хотинингиздаги ҳаққингиздан – тўшагингизни сиз ёқтирмаган кишиларга бостирмасликлари ва сиз ёқтирмайдиган кишилар уйингизга киришига изн бермасликлари. Огоҳ бўлинглар! Уларнинг сиздаги ҳақларидан уларнинг кийимларини ва таомларини яхшилаб қўйишингиздир”,* дедилар (Имом Термизий ривоят қилган).

Бу ишнинг алоҳида таъкидланиши бежиз эмас, одатда арзимаган бўлиб кўринган нарса кўпинча оилада уриш-жанжаллар келиб чиқишига, оиланинг бузилиб кетишига сабаб бўлиб қолади.

Бировни ёмон кўриб қолиш – кўнгил иши. Эркак одам ўзи ёмон кўрган одамга унинг жуфти ҳалоли, ёстикдоши томонидан илтифот кўрсатилишини ҳеч кўнглидан чиқара олмаслиги турган гап.

Шунинг учун ҳам Ислом шариати аёлларга бу масалани алоҳида таъкидлаб уқтиради. Бу нарсани эрнинг энг муҳим ҳақларидан бири деб тушунтиради.

*6. Эрга нисбатан барча ишларда яхши муомалада бўлмоқ.*

Муоз ибн Жабал розияллоху анхудан ривоят қилинади. Набий соллаллоху алайҳи васаллам: *“Қай бир хотин бу дунёда эрига озор берса, албатта, унинг хури ийндан бўлган хотини: “Унга озор берма! Аллоҳ ҳалок қилсин сени! У вақтинчалик меҳмон бўлиб турибди, холос. Яқинда сени тарк этиб, бизнинг олдимизга келади”, дейдилар*”, деганлар (Имом Термизий ривоят қилган).

Ушбу ҳадиси шариф ҳам аёл киши ўз эри билан доимо яхши муомалада бўлиши кераклигига, аёлдан эри озор тортмаслик ҳаққига эга эканига далилдир. Мазкур ҳақни яхшилаб тушуниб олиш ва уни поймол қилмасликка ҳаракат этмоқ ҳам жуда зарур.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам айтдилар: *“Менга дўзах кўрсатилди, қарасам, ундаги одамларнинг кўпи инкор қилувчи хотинлар экан”. Саҳобалар: “Аллоҳни инкор қилганми?”* деб сўрадилар. *“Эрнинг яхшилигини инкор қилганлар, эрнинг қадрига етмаганлар. Агар буларнинг биттасига бир умр яхшилик қилсанг-у, кейин сендан бир кичик ёмонлик кўрса: “Сендан нима кўрдим?! Ҳеч яхшилик кўрмадим”,* деб айтадир”, деб жавоб бердилар.

Хурлар эрингизга қилаётган муомалангизни кузатиб боради! Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам айтадилар: *“Аёл эрига бу дунёда озор бермасин. Акс ҳолда хур ийнлардан бўлган аёли шундай дейди: “Аллоҳ жазолагур, унга озор берма! У ҳузурингда меҳмон, яқинда сендан ажраб, бизга келади”* (Имом Аҳмад ва Термизий ривоят қилишган).

7. Эр хотинига одоб бериш ҳаққига эга.

Аллоҳ таоло Нисо сурасида: “Бош кўтаришидан хавф қилсангиз у (аёл)ларга ваъз қилинг, ётоқларда ҳижрон қилинг ва уринг. Бас, агар улар сизга итоат қилсалар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманг. Албатта, Аллоҳ юксак мақомли буюк Зотдир”, деган (34-оят).

Ислом эру хотин орасида яхшилик ила ширин муомалали ҳаёт бўлиши учун барча чоралар кўрганини юқорида ўрганиб чиқдик. Бунинг учун икки томонга ҳам насиҳат қилгани, маъруф йўл билан яшашни ҳам эрнинг, ҳам хотиннинг ҳақларидан қилганини ўргандик.

Шунингдек, оила номли жамиятга Ислом тартиби бўйича эр бошлиқ қилинганини ҳам билдик. Албатта, бу раҳбарлик қаҳр, жабр ва зулм ўтказиш учун берилган имконият эмас. Бу раҳбарлик масъулиятдир. Масъулият бўлганда ҳам улкан масъулият. Ушбу масъулиятга биноан, эркак киши оиланинг, жумладан, аёлнинг ҳомийлигини, боқувчилигини, муҳофазасини адо этмоғи лозим.

Оила аъзолари эса, жумладан, аёл киши ҳам ўз бошлиқларига итоат қилмоқлари вожиб. Мўмина аёллар аслида шундоқ бўладилар. Улар ушбу биз ўрганаётган ояти кариманинг бош қисмида солиҳалар, итоаткорлар ва Аллоҳнинг ҳифзу ҳимояси бўйича ғойиб (эр)ларнинг муҳофазасини қилувчилар, деб васф қилинган.

Лекин беш кўл ҳам баробар эмас. Баъзи аёллар, афсуски, солиҳалик мақомига лойиқ бўла олмайдилар. Ҳадларида турмай, эрларига қарши

бош кўтариб, беодоблик, итоатсизлик қиладилар. “Шундай ҳолларда нима қилиш керак?” деган саволга ушбу биз ўрганаётган ояти карима жавобдир:

**“Бош кўтаришидан хавф қилганингиз (аёл) ларга ваъз қилинг, ётоқларда ҳижрон қилинг ва уринг”.**

Демак, ундоқ беодоб, ҳаддида турмаган аёлларга таъсир кўрсатиш аста-секин олиб борилади ва даражама-даража чора кўриш йўлга қўйилади.

Итоатсизлик аломатлари кўришиб, эрни беҳурмат қила бошлаганида унга ваъз-насиҳат қилинади. Эр унга итоатсизлик яхши эмаслиги, ҳар ким ўз ҳаддини билгани яхшилиги, бир-бирларини тушуниб яшашлари лозимлигини оҳиста айтиб англатади. Одоб билан аёлга унинг хатоларини баён қилиб, уларни тузатиш йўллари кўрсатади. Ушбу ваъз-насиҳат самара бериб, аёл ўзини ўнглаб олиб, муносабатлар изга тушиб кетса, айна муддао. Агар ваъз-насиҳат фойда бермаса, хотиннинг итоатсизлиги, беодоблиги, эрига қарши бош кўтариши яна давом этаверса, иккинчи босқичдаги чора кўрилади.

Иккинчи босқичдаги чора эса ётоқларда ҳижрон қилиш, бирга ётмай қўйишдан иборатдир. Албатта, ҳижрон ваъз-насиҳатдан кўра анча таъсирли чора. Чунки бу масалада аёллар ўта ҳассос бўладилар. Эрларининг улар билан бирга ётмай, гаплашмай қўйгани, эътиборсизлик қиляётгани кўзларини каттароқ очишга мажбур

этади. Бу чора инсофини йўқотмаган, ўзини таниган аёлларни дарҳол ўзига келтиради ва хатоларини тузатишга ёрдам беради.

Ҳадисдаги тавсияга биноан хотинидан аразлаган эр жойини бошқа қилиб олганда бошқа томонга ёки хонага чиқиб кетмай, бир хонанинг ичида ҳижрон қилиши зарур.

Агар иккинчи босқичдаги чора ҳам фойда бермаса, аёл инсофини буткул йўқотиб, итоатсизлик, исён ва эрни беҳурмат қилишда давом этаверса, яхшилиқнинг қадрига етмаган шахс экани маълум бўлади. Энди унга нисбатан йўлга солишнинг учинчи ва энг таъсирли чорани қўллашга мажбур бўлинади. Бунда аёлни уришга тўғри келади.

Аммо уриш қаттиқ калтаклаш, аъзоларини синдириш, жароҳатлаш, баданда из қолдириш даражасида бўлмайди. Ушбу ояти каримадаги хотинни уришга берилган изн фақат сиёсат учун, ўзини билмаган аёлларга таъсир ўтказиш учун, холос.

Уламоларимиз бу оятдаги уришни мисвок билан ёки кўрсаткич бармоқ билан туртиш, деб таъвил қилганлар. Кўпчилик эса берилган ушбу изндан фойдалангандан кўра фойдаланмаган яхшироқ, деганлар.

Аёл кишининг аччиғи тез чиқадиган, таъсирчан, шошқалоқ бўлиши табиий. Сал нарсага эрига нисбатан итоатсизлик, беодоблик қилиб қўйиши мумкин. Аммо хотин хатодан кейин ўзига келиб, итоатга қайтса, эрга қарши бош кўтаришни йиғиштира, уларга қарши чора

кўришга ҳожат қолмайди. Шунинг учун ҳам ояти каримада: **“Агар итоат қилсалар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманг”**, дейилмоқда.

Бу нарса оилани мустаҳкамлашга омил бўладиган ишдир. Бир-бирига нисбатан кечиримли бўлиш доимо яхшилик омили саналади. Агар кимки бу кўрсатмаларга юрмаса, ўзидан кўраверади. Чунки **“Албатта, Аллоҳ юксак мақомли ва буюк Зотдир”**.

*8. Шофеъий, Моликий мазҳабларида ҳайз, нифос ва жунубликдан кейин ғусл қилиш ҳаққи ҳам эрнинг хотиндаги ҳақларидандир.*

Чунки ҳайз ва нифосдан кейин ғусл қилмаса, эр унга яқинлашиши мумкин эмас. Шунинг учун у хотинини ғусл қилишга мажбурлаш ҳаққига эга. Жунуб аёл эса тезроқ ғусл қилиб, намоз учун покланиши лозим.

*9. Эр маҳри муъажжални адо қилган бўлса, хотинини ўзи билан сафарга олиб кетиш ҳаққига эга.*

Яъни, аввал беришга келишилган маҳрни хотинга бериш билан эрнинг уни ўзи билан сафарга олиб кетиш ҳаққи ҳам собит бўлади.

## **Аёлнинг эрига нисбатан риюя қиладиган одоблари**

*1. Муслима аёл Аллоҳ таолога маъсият бўлмаган барча нарсада эрининг розилигини топишга ҳаракат қилади.*

Умму Салама розияллоху анхудан ривоят қилинади. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васал-



лам: “Қай бир хотин ўлса-ю, эри ундан рози бўлса, у жаннатга киради”, дедилар (Имом Термизий ва Ҳоким ривоят қилишган).

*2. Ҳаётдаги энг гўзал фазилат қаноатдир.*

Рисоладаги хотин ўзини бу фазилат билан зийнатламоғи даркор. Турли ҳою ҳавас, зеб-зийнат талаб қилиб, эрни қийин аҳволга солиш яхши эмас.

Авваллари момоларимиз ризқ-рўз топиш учун жўнаб кетаётган эрларига: “Ҳаром касб қилманг. Аллоҳдан кўрқинг. Биз очлик-ночорликка чидаймиз, лекин дўзахнинг азобига чидай олаймиз”, дер эканлар.

*3. Эрга ихлос билан хизмат қилиш ҳам аёлларнинг юксак одобларидан биридир.*

Улуғ имомлардан бири Жаъфари Содиқ: “Битта солиҳа аёл ўз эрига етти кун хизмат қилса, Аллоҳ унинг қаршисидаги дўзахнинг етти эшигини ёпади ва жаннатнинг саккиз эшигини очади”, деган эдилар.

*4. Хотин оилада чиройли амалларга одатланмоғи лозим.*

Қуръон ўқиш, китоблар билан танишиб туриш, ахборотлардан хабардор бўлиш, ҳақиқатни ҳимоя қилиш шу жумладандир. Чунки оқила ва маърифатли аёл ҳамиша эъзозда, эътиборда бўлади.

*5. Уйнинг содда, саранжом-саришта бўлиши ҳам асосан хотин кишига боғлиқ.*

Уйнинг зийнати, нақш-нигори аёлларда эмас, балки саришталигу тотувлик ва меҳр-муҳаббатда эканини ҳеч қачон унутмаслик керак.

6. Хотин киши ўз эрининг виждонига айланиб, уни гуноҳ-ёмон ишлардан қайтаргани, савоб-яхши ишларга ундаб тургани маъқул.

Бундай хотинлар Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Мўмин банда Аллоҳга бўлган иймондан сўнг эришган энг яхши нарса солиҳа хотин бўлиб, унга қараса, хурсанд қилади ва Аллоҳнинг амрини бажаришда ёрдам беради”, деб мақтаган аёллар қаторига киради.

7. У ўз эрига энгил пайтида ҳам, оғир пайтида ҳам яқин киши, дардкаш, маслаҳатчи бўлади.

Уни сабр-чидамга даъват қилади, тушкун кунларида кўнглини чўктирмай, доимо олдинга интилишга ундайди.

8. Аёл ўз эрининг яқин ёрдамчиси, ишончли кишиси бўлиб, ҳамма нарсаларни тартибга солиб туради.

Унинг қилмоқчи бўлган ишларига ҳурмат билан қараб, ваъда ва учрашувларини ўз вақтида ўтказишга ёрдам бериб турса, бу ҳолат доимо эрни уйга боғлайди. Чунки у бу ерда роҳат-фароғат топади, ҳузур кўради.

9. Аёл эр ҳузурида ширинсухан, хушмуомала бўлиш билан бирга тоза, чиройли кийинган, зийнатланган ҳолда бўлиши ҳам керак.

Чунки бу нарса эр қалбига хурсандчилик, руҳига сокинлик киритади, қалбига қувонч бағишлайди.

## Учинчи ҳикоя

### Солиҳа аёл

У аёлини урди. Аёли йиғлаб:

– Ҳозироқ бориб, устингиздан арз қиламан! – деди.

– Сенга ким айтди мени қўйиб юборади, деб?! Уйдан чиқиб ҳам бўлибсан!

– Нима, сиз эшик-деразаларни кулфлаб қўйсам, шикоят қилолмайди, деб ўйлаяпсизми?

– Ҳа, нима қилолардинг?

– Қўнғироқ қиламан, дардимни сочаман!

– Ҳаҳ, телефонингни олиб қўяман, уни ўчириб қўяман!

Аёл ҳаммомга кириб кетди.

Эри ташқарига чиқиб, дераза олдида пойлади, “Қочиб кетармикан-а?!” деб кутди. Аёл чиқишга уринмаганини кўриб қайтиб кирди. Ҳаммомнинг эшиги қаршисига туриб олди.

Аёл ҳаммомдан таҳорат олиб чиқди. Юзини эса гўзал табассум безаб турарди. Унинг кўриниши юз-қўлидаги шабнам томчилари каби бўлган таҳоратнинг мусаффо сувидек соф-нурли эди.

– Мен, албатта, шикоят қиламан! Унга арз қилишимдан на деразаларингиз, на эшикларингиз, на телефонларингиз тўса олади! Унинг эшиклари ҳеч ҳам ёпилмайди. Додимни эшитади! – деди.

Эри ундан нари кетиб, диванга ўтирди. Жим ўйланиб қолди. Аёли намоз ўқиди. Узоқ сажда қилди. Эри уни кузатиб турарди. Сўнг у бошини

кўтариб, дуога қўл очмоқчи бўлганида эри чопиб келиб, қўлларини ушлаб олди.

– Саждада шууунча мени қарғаганинг етарли эмасми?!

Аёл масъум кўзлари билан унга боқиб:

– Сизнинг қилган бу ишингизга рози бўлиб, атиги шунча дуо қилиш билан кифояланишим керак эканми, а?

– Кечир, сенга қўл кўтармоқчи эмасдим. Аллоҳга қасам, ғазабим ақлимни олди.

– Шунинг учун ҳам ҳаққингизга хайрли дуо қилиб, шайтонни қарғашдан тўхтамайман! Мен ўз кўзининг қувончи бўлган эрини дуоибад қиладиган аҳмоқ хотинлардан эмасман.

Эрининг кўзларидан ёш қалқиб чиқди. Дуо учун кўтарилган қўлларни кўзига суртиб, ўпди.

– Аллоҳга қасам, бундан кейин ҳеч қачон сенга озор бермайман!

*10. Рисоладаги хотин эрининг олдида ҳам, ортида ҳам обрўйини, молини сақлайди, шарафини муҳофаза қилади.*

### **Куёвга мактуб**

1. Уйдан чиқаётганингизда хотинингиз билан хайрлашинг. Унинг кўнглини хушланг.

2. Хотинингиз кўзларини тўрт қилмай, ўз вақтида ишдан вақтлироқ қайтинг.

3. Ташқарида еб-ичганингиздан уйингизга ҳам олиб келинг.

4. Хотинингизнинг камчиликларини бошқаларга айтманг, унинг яхши томонларини эсланг.

5. Оилангизни пулсиз қолдирманг, уларни бошқаларга муҳтож қилманг.

6. Ишдаги муаммоларни уйга кўтариб келманг.

7. Тўй ёки саёҳатга борганда, иложи бўлса, хотинингизни ҳам олиб боринг.

8. Уйга салом бериб, табассум билан кириш. Уйдагилар сизнинг келишингиздан севинсин.

9. Уйингизни Қуръонсиз, китоб ва намозсиз қолдирманг. Бомдод намозига турганингизда оила аъзоларингизни ҳам турғазинг, Аллоҳнинг раҳмати ва баракоти кун бўйи сиз билан бирга бўлади.

10. Ғайратли бўлинг. Рашкчи бўлинг, аммо ёмон шубҳада бўлманг. Айб ва камчилик қидириш билан машғул бўлманг.

11. Инсофли бўлинг. Кучи етмайдиган ишларни хотинингиздан кутманг. Зарур бўлса, унга кўмаклашинг.

12. Бирор нарсага қарор қилишда хотинингиз билан ҳам маслаҳатлашинг.

13. Қутилмаган совғалар бериб, унинг кўнглини олинг.

14. Уйланиш дунёга муккасидан кетиш дегани эмас, охиратингизни унутманг. Дин, ватан ва инсонийлик йўлида меҳнат қилишни тарк этманг.

15. Яхши билингни, ҳалол меҳнат билан топилган пул оз бўлса ҳам, ҳаромдан топилган кўп пулдан баракали бўлади. Ҳаром еманг, хотинингиз ва фарзандларингизга ҳам едирманг.

1. Уйдан чиқаётганингизда хотинингиз билан хайрлашинг. Унинг кўнглини хушланг.

Изоҳ: эркак киши уйдан чиққанида хотини билан хайрлашишни унутмаслиги лозим. Аёли ва фарзандларини Аллоҳга омонат қилиб қолдириш жуда муҳим саналади. Бизга ҳаёт берган, ҳар бир ишимизни кўриб-билиб турадиган Аллоҳдан ҳам яхшироқ вакил бўлиши мумкинми?! Ҳар он Унинг неъматлари билан яшаб, Унинг лутфи билан нафас оламиз. Ҳар қандай тахликалардан яқинларимизни омон сақлашини тилаб Унга дуо қилишимиз, Унга ишонишимиз лозим. Ана шундай туйғулар билан ишга кетаётиб, “Сизларни Худога омонат қилиб қолдирдим”, деб хайрлашиш ўзимиз учун ҳам, уйда қолган оиламиз учун ҳам хайрли бўлади. Бир томондан, дуо қилган, бошқа томондан эса, хайрлашган бўламиз. Дунёда ҳеч бир нарсага кафолат бериб бўлмайди. Биз ҳар лаҳза Аллоҳнинг ҳимоясига муҳтож бўлиб қолишимиз мумкин. Шу сабабли мусулмон кишининг Аллоҳга ишончи ва иймони комил бўлиши даркор.

Эрининг гўзал сўзларига жавобан аёл киши ҳам “Яхши боринг”, “Ишингиз хайрли бўлсин”, деб хайрлашиши керак. Бу гўзал сўзлар билан ҳар икки томон хушнуд бўлиб, кўнгиллари хотиржам тортади. Эшикдан чиқаётганида бир-бирига қайрилиб боқмаган, эрини кузатиб қўймаган, ишга чиқаётиб, хотини ва фарзандларига илтифот кўрсатмаган бир оилада бахтли ҳаёт кечириш жуда мушкул. Хотини ва болаларига очиқ чеҳра билан қараш, табассум қилиш, уларни ўпиб, Аллоҳга омонат қолдириш ва буни одатга айлантириш уйдаги ҳаловат учун қилиниши

лозим бўлган дастлабки ишдир. Ҳар куни ота-онасининг ана шу тарзда хайрлашишларидан таъсирланган болаларнинг қалби ҳам қувончга тўлади. Улар ҳам улғайиб, оила қурганларида шунга одатланадилар.

*2. Хотинингиз кўзларини тўрт қилмай, ўз вақтида ишдан вақтлуроқ қайтинг.*

Изоҳ: эркак турмуш қурганининг дастлабки даврида уйга эрта қайтса-да, кейинчалик худди уят бўладигандек, кеч қайта бошлайди. Ишдан сўнг бир дўсти билан бирор қаҳвахонада вақт ўтказишни эркакликнинг бир белгиси санаши мумкин. Аслида уйда хотини ва фарзандлари билан суҳбатлашиб, уларнинг муаммоларини билиб олиши мумкин бўлган вақт – кечки овқат маҳали ва ундан кейинги соатларни кўлдан бой беради. Эрталаб вақтли ишга отланган, кечқурун ётиш пайтида уйга қайтган эркак оиласи ва фарзандлари билан қачон шуғулланади? Айниқса, маълум бир ёшга етган фарзандлари бўлса, мактабга борадиган бўлса, уларнинг бир қанча муаммолари бўлади-ку. Баъзи болалар бу муаммоларни айтса, баъзиларидан сўраб олишга тўғри келади. Бу ҳолатга эътиборсизлик қилинса, барчаси йиғилиб, чигал вазият юзага келади.

Қолаверса, хотин киши эрининг қачон ишдан қайтишини билмаса, бу ҳам бир муаммо. Эри учун тайёрлаган овқатини аёл кайфияти бузилган ҳолда ёлғиз ўзи ейишига тўғри келиши мумкин. Кейинроқ эрининг йўлини пойлаб, дераза ёнида вақтини ўтказади. Эркак кишининг бундай азоб беришга ҳаққи йўқ. Агар уйига вақтида бормаса,

ҳеч бўлмаса, борадиган вақтини олдиндан айтиб қўйиши лозим.

Омад кулиб боққан инсонларнинг аниқ мезонлари бўлади. Уйидан чиқиб кетадиган ва уйига қайтадиган вақти номаълум бўлган кишининг иши ҳам юришмайди. Шубҳасиз, инсоннинг ҳар бир куни бир хил кечмайди. Аммо умумий маънога, маълум феъл-атворга, муайян мезонларга эга бўлиши керак. Бундай инсонлар билан яшаш осонроқ бўлади. Қаерда, нима қилиши маълум бўлмаган тутуриқсиз кишилар на ўзига, на оиласига ва на жамиятга фойда келтиради. Шу боис уйда чиқиш-қайтиш соатингиз маълум бўлсин.

*3. Хотинингиз камчиликларини бошқаларга айтманг, унинг яхши томонларини эсланг.*

Изоҳ: қўл синса, енг ичида қолади, дейишади. Яъни, уйдаги келишмовчилик ва тортишувлар ташқарига чиқарилмайди. Ҳар қандай турмушда келишмовчиликлар бўлиши мумкин. Чунки турли муҳитдан келган иккита алоҳида киши ҳар доим аравани бир томонга тортишга мажбур. Ҳар ким ўзича яшашга интилса, турмуш узоқ давом этмайди.

Ҳаёт ҳар доим инсонга кулиб боқмайди. Унинг бир қатор қийинчилик ва муаммоли томонлари мавжуд. Ҳаётда кутилмаган вазиятларга дуч келиш мумкин. Турмуш ўртоғимиз юз фоиз биз истаган сифатларга ва фазилатларга эга бўлмаслиги табиий. Ҳар бир кишининг, албатта, камчилиги бўлади. Ахир “Бу камчилик қизиди ҳам бўлади”, деган гап бежиз айтилмаган. Худди



Ўзимиз сингари турмуш ўртоғимиз ҳам баъзи камчиликлардан холи эмас. Бу вақт ўтиши билан тузалиши ёки унга чидашга тўғри келиши мумкин. Нима бўлганда ҳам бу ҳолат эр-хотин ўртасида ҳал этилиши лозим. Бошқаларга мазкур камчиликларни айтиш маъқул эмас. Бу, аввало, эр-хотин ўртасидаги ишончга путур етказди. Қолаверса, қабих ниятли кишилар бундан фойдаланиб, ғийбат қилишлари ва оиланинг тинчлиги бузилиши мумкин. Шу сабабли эркак хотинининг камчилиги бўлса, юзига айтиши керак, худди ғийбат қилгандек, орқасидан гапириши унга ярашмайди.

Эркак киши хотинининг яхши фазилатларини қариндошларига билдирсин. Бу ҳаракати аёлини мамнун этади. У эри ёлғончи бўлиб қолмаслиги учун айтилган гапларни бажаришга интилади. Шу тариқа яхши сўз орқасидан яхши амалга эришилади.

*4. Оилангизни пулсиз қолдирманг, уларни бошқаларга муҳтож қилманг.*

Изоҳ: оилада кўпинча эркак ишлаб, аёл уй ишлари ҳамда фарзанд тарбияси билан машғул бўлади. Ишлайдиган аёллар ҳам худди шу тарзда, фақат кучлироқ масъулият билан турмуш кечирадилар. Аслида оилани боқиш, уларнинг ризқини топиш эркак кишининг бўйнида. Уйланган эркак, аввало, мана шу масъулиятни бажаришга тайёр бўлиши керак. Бусиз оилани бошқариш мумкин эмас.

Эркак киши ишлагани боис пулни назорат қилиш ҳам унинг қўлида бўлади. Аммо у бу

ҳолатдан нотўғри фойдаланмаслиги керак. Эрталаб кетаётиб: “Мен кетдим, сизлар ўз ғамларингизни ўзларингиз енглар”, дегандек чиқиб кетиш гуноҳ саналади. Соғлом жойида эркак ҳар ҳолатда ҳам пул топиш, оиласини боқиш йўлини қидиришга мажбур. Керак бўлса, кўпроқ ишлаб оиласини пулсиз қолдирмаслиги, уларни бировларга муҳтож қилиб қўймаслиги лозим. Эркак киши учун энг уятли ҳолат оиласи ва фарзандлари оч-наҳор ўтирганида ўзи чойхона ёки қаҳвахонада бамайлихотир вақт ўтказишидир. Аллоҳ таоло инсонни ризқи билан яратади. Инсоннинг вазифаси эса бу ризқни излаб топишдан иборат. Кутиб ўтирса, ризқ ўз оёғи билан келмайди. Келса ҳам, албатта, бирор ҳаракат қилинган бўлади.

Шунингдек, чўнтагида пули бўла туриб оиласини пулсиз қолдириш жоҳилликдир. Бу оилани таҳликага ташлаш ҳисобланади. “Урсанг – юзсиз, оч қолдирсанг – ўғри бўлади”, дейилади. Бу ҳаракат билан уларни гуноҳга ва ёмонликка ташлаган бўламиз. Пул ўринли ишлатилиши лозим. Эркакнинг хотини ва фарзандларининг оғзига солган луқмаси садақа саналади. Инсон исрофга йўл қўймаган ҳолда уйи ва оиласига қилган харажатларининг орқасидан ҳам савобга эга бўлади. Чунки улар Аллоҳнинг эркак кишига берилган омонатидир. Омонатга эса хиёнат қилмаслик лозим.

## Эрнинг аёлига мактуби

Эй рафиқам...

Менга сенинг ширин ва оҳиста шивирлашларингни эшитишни хуш кўрадиган эркак деб қарагин. Менга сен хоҳлаган пайтингда пул берадиган, пул сарфловчи машина деб қарама. Менга то эҳтиёжинг тушадиган вақтгача ташлаб кўядиган бир буюмингдек қарама!

Мендан сенга фақат яхши сўз етишини ва сенга гўзал ишрат қилишни хоҳлашимни мақсад қил.

Билгинки, мен “Қорун” эмасман. Қасрлар ва мулкларга эгалик қилмайман.

Сирларимни кўшниларингга ва дугонларингга фош қилма. Сен менинг қудуғим ва ёпинчиғим бўл!

Мен билан сўзлашишинг кичқириқ бўлмасин. Мени чақиринг қағиллаш каби бўлмасин. Мен сен билан қандай бўлишимни истасанг, сен ҳам мен билан худди шундай бўл.

Эй рафиқам...

Бу дунё ҳаёти ҳою ҳаваслар, йўлдан урувчи нарсалар, аёллар, дилхушликлар ва фитналардан иборат. Шу сабаб сен мен учун уларнинг ҳаммасидан афзал бўл. Мени ҳаромдан сақла!

Яратилишинг ва ахлоқингда гўзал бўлгинки, назарим сендан бошқасига тушишидан беҳожат қил. Мулкимни ва фарзандларимни асрагин.

Жисмингдаги мафтун қиладиган ерларинг омонатдир. Тўй ва муносабатларда фахрланиб, уларни мендан бошқасига кўрсатма.

Ёлғизлигимда ёнимга кел ва менга ошиқлар каби сўйла... Ёлғизлик виждонни ўлдирур.

Эй рафиқам...

Менга итоаткор бўл. Қачонки сени чақирсам, "Лаббай!" дегувчи бўл. Қачонки сенга сўзласам, гапларимга қулоқ солгувчи бўл. Шаънимни сақловчи бўл... Фарзандларимга гўзал тарбиячи бўл...

Тўйларга зийнатланганинг каби мен учун ҳам зийнатлан. Уйдан ташқарига чиққанингда кийинганингдек, мен учун ҳам кийин. Мени шодлик ва табассум ила қаршила, худди кўшниларинг ва дугоналарингни қаршилагандек.

Баъзида дунё мен учун торайиб, шердек бўкиришим, денгиздек мавж уришим мумкин. Шунда патларини туширган каптардек юмшоқ бўл ва мулойимлик билан ғазабим оловини ўчиргин. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёлларидан ўрнак ол...

Эй рафиқам...

Дунё денгиз, охират соҳил ва қайиқ тақводир. Инсонлар эса сафардадирлар. Менинг ҳаққимда Аллоҳга тақво қил.

Эй рафиқам, сендан илтимос...

Сенга бўлган муҳаббатимни нафратга айлантирма. Сенга бўлган садоқатимни адоватга айлантирма. Сенга бўлган ҳурматимни ҳурматсизликка айлантирма. Мени эшит, жаҳлинг чиқмасин.

Агар ҳузурингда ўзим учун жой топа олганимда сендан бошқанинг қалбидан жой қидирмас эдим.

Хонадон ва фарзандларнинг ғамларидан ҳамда тугамас талабларидан узоқ бўлган, ўзимизга хос бир бурчакда вақти-вақти билан

кўришиб турганимизда дўстларим ҳузурида бедор бўлиб, ўйин-кулгу қилмас эдим.

Агар сендан ошиқлар сўзини тинглаганимда кулоқларим сендан бошқасига мойил бўлиб, завқланиб сакрамас эдим.

Мен учун бир кунгина бойлигим бўлсанг, бошқа бойликларни асло қидирмас эдим.

Сўнгги сўзим...

Сен жамики яратилганларнинг саййиди Муҳаммад алайҳиссалом айтганларидек бўл!

“Аёлларнинг қандоғи энг яхшисидир?” дейилди у зотга.

“Қачон назар солса, сурур бағишлайдигани, қачон амр қилса, итоат қиладигани ва эрига ўз жонида, молида у ёқтирмайдиган нарса ила хилоф қилмайдигани”, дедилар.

Аллоҳим, ҳолимизни ислоҳ қилгин, бизга бахтиёр оилавий ҳаётни инъом қилгин, омин...

### **Хотиннинг эрдаги ҳақлари**

Уламоларимиз хотиннинг эрдаги ҳақлари тўғрисида келган барча ҳужжат ва далилларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги хулосага келганлар.

Хотиннинг эрдаги ҳақлари икки қисмга бўлинади:

1. *Молявий ҳуқуқлар;*
2. *Муомалавий ҳуқуқлар.*

Молиявий ҳуқуқлар маҳр ва нафақадан иборат.

“Маҳр” ақди никоҳ ёки эру хотин бўлиш билан эр зиммасига юкланадиган, хотинга бериш лозим бўлган молдир.

Аллоҳ таоло Нисо сурасида: “Аёлларга маҳрларини чин дилдан чиқариб беринглар. Агар улар ундан бирор нарсани ўз розиликлари ила берсалар. Бас, уни енглар, ош бўлсин”, деган (4-оят).

Ушбу ояти карима эрга маҳр бериш вожиб эканини англатувчи тўртта ояти каримадан биридир. Ақди никоҳ бўлиши билан маҳр бериш вожиб бўлади, агар қовушмай туриб ажрашадиган бўлсалар ҳам. Лекин маҳрни бериш никоҳнинг шарт ёки рукнларидан эмас. Усиз ҳам никоҳ бўлаверади, аммо олди-бердиси қачондир бўлиши керак.

Нафақанинг эрга вожиб бўлиши Қуръон, суннат, ижмоъ ва ақл ила собит бўлган.

Қуръондан далил:

Аллоҳ таоло Талоқ сурасида: “Ризқи кенг кенглигидан нафақа қилсин. Кимнинг ризқи тор бўлса, унга Аллоҳ берганидан нафақа қилсин. Аллоҳ ҳар бир нафсни Ўзи берганидан ортиқчага таклиф қилмас. Аллоҳ қийинчиликдан сўнг тезда осонликни берур”, деган (7-оят).

Аллоҳ таоло Бақара сурасида: “Уларни яхшилаб едириб, кийинтириш отанинг зиммасидадир”, деган (233-оят).

Аллоҳ таоло Талоқ сурасида: “У (аёл)ларга имконингиз борича ўзингиз яшаб турган жойдан жой беринг”, (6-оят).

Суннатдан далил:

Имом Муслим, Абу Довуд ва Моликлар видолашув ҳажи ҳадисида Жобир розияллоху

анхудан ривоят қиладилар: “Бас, аёллар ҳақида Аллоҳдан кўрқинглар! Чунки сиз уларни Аллоҳнинг омонати ила олгансизлар. Уларнинг фаржларини Аллоҳнинг калимаси ила ҳалол қилиб олгансизлар. Сизлар учун уларнинг зиммасида сиз ёмон кўрган бирор кишига тўшакларингизни бостирмаслик мажбурияти бор. Агар ўшани қилсалар, уларни ачитмайдиган қилиб уринглар. Улар учун сизнинг зиммангизда маъруф йўл билан ризқлари ва кийимлари мажбурияти бор”.

Муовия ал-Курайший розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: “Эй Аллоҳнинг расули, бизнинг биримизда хотинининг нима ҳаққи бор?” дедим.

*“Қачон таомлансанг, уни ҳам таомлантирасан. Қачон кийим кийсанг, уни ҳам кийинтирасан. Юзига урмайсан. Ҳақорат қилиб, настга урмайсан ва уйдан бошқа хонада қолмайсан”, дедилар у зот” (Абу Довуд ва Насаий ривоят қилишган).*

Оиша розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: “Ҳинд бинти Утба: “Эй Аллоҳнинг расули, Абу Суфён ўта бахил одам, менга ва боламга кифоя қиладиган нарсани бермайди. Магар унга билдирмай олсамгина бўлур”, деди.

*“Ўзингга ва болангга етарлисини тўғрилиқча ол”, дедилар у зот” (Икки Шайх ривоят қилишган).*

Барча уламолар аёлларнинг нафақаси эрларига вожиб бўлишига иттифоқ қилганлар.

Ақлга солиб кўрилганда ҳам аёл киши эрнинг хизматларини қилгандан кейин, унинг измида бўлгандан сўнг, албатта, унинг нафақаси эрга вожиб бўлади.

## Келинга мактуб

1. Эрингиз ёқтирадиган исм ва сифатлар билан мурожаат қилинг.

2. Эрингиз яхши кўрадиган таомларни ширин қилиб пиширингки, у уйини соғинсин.

3. Эрингиз уйдан чиқаётганда уни кузатиб кўйинг, кечқурун ишдан қайтганида эса очик юз билан кутиб олинг.

4. Эрингизга гўзал кўринишга ҳаракат қилинг.

5. Иффат ва ҳаёнгизни сақланг. Энг гўзал либос тақво эканини унутманг. Ҳар бир ишимизни кузатиб турадиган Аллоҳни ўйланг.

6. Эрингиз ва фарзандаларингиздан меҳр-муҳаббатингизни аяманг. Уйнинг суянчиғи бўлинг.

7. Эрингизга доимо ташаккур айтишни унутманг. Кучи етмайдиган ишларга ундаманг, бошқаларга шикоят қилманг.

8. Эрингизнинг ишларидан бохабар бўлинг. Унинг қувонч ва қайғуларга шерик бўлинг.

9. Эрингизнинг рухсатисиз у изн бермаган жойларга борманг.

10. Камхарж бўлинг, исрофгар бўлманг. Оғир дамларда ҳам эрингизга бош кўтарманг.

11. Озода ва тартибли бўлинг. Эрингизнинг кийимларини тоза ва дазмолланган ҳолатда сақланг.

12. Эрингизнинг қариндошлари ва яқинларига яхши муомалада бўлинг.

13. Қайнонанинг тажрибали она сифатида кўриб ҳурмат қилингки, эрингизнинг сизга нисбатан меҳри ошсин.



14. Онангизнинг уйига кераксиз ва кўп бормангки, уйдаги ишларингиз оқсамасин.

15. Фарзандларингизни одоб-ахлоқли қилиб вояга етказингки, бошқалар ҳам сизни яхши инсон сифатида тилга олсин.

Шунингдек, аёлнинг эридаги муомалавий ҳуқуқлари, яъни эрнинг зиммасидаги, хотини олдидаги одоблари ҳам бор:

*1. Эр тўй қилиши мустаҳабдир.*

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳуда сариқлик аломатини кўриб: “*Бу нима?*” дедилар.

“Эй Аллоҳнинг расули, данак оғирлигидаги тиллога бир аёлга уйландим”, деди у.

“*Аллоҳ сенга барака берсин! Бир кўй сўйиб бўлса ҳам, тўй қилгин*”, дедилар” (Бешовлари ривоят қилган).

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз аёлларидан бирортасига Зайнабга валийма қилгандек валийма қилмадилар. Унга бир кўй ила валийма қилдилар” (Учовлари ривоят қилган).

Муҳаммад ибн Ҳотиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: “*Никоҳда ҳаром билан ҳалолнинг ораси ажралиши дуф ва овоздир*”, дедилар” (Насайи ва Термизий ривоят қилдилар ҳамда яхши, дедилар).

Оиша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: “*Бу никоҳни эълон қилингиз, уни масжидларда боғлангиз, унинг учун дуфлар чалингиз*”, дедилар”

*(Имом Аҳмад ва Имом Термизий ривоят қилдилар ҳамда яхши, дедилар).*

Омир ибн Саъд розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Қуразата ибн Каъб ва Абу Масъуд ал-Ансорий розияллоху анҳумоларнинг олдиларига бир никоҳ тўйида кирдим. Қарасам, қизлар қўшиқ айтмоқдалар.

“Икковларингиз Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобалари бўлсангиз, аҳли Бадрлардансиз, ҳузурингизда шундоқ иш бўлиб туриши нимаси?” дедим.

“Хоҳласанг, биз билан ўтириб эшит. Хоҳласанг, жўна, кетавер. Батаҳқиқ, бизга никоҳ тўйида кўнгил хушига рухсат берилгандир”, дедилар икковлари” *(Насайй ва Ҳоким ривоят қилдилар ҳамда саҳиҳ, дедилар).*

2. Эр хотинига ҳусни муомалада бўлиши ва унинг озорларига чидаши лозим.

Аллоҳ таоло Нисо сурасида: **“Ва улар ила яхшилиқда яшанг”**, деган *(19-оят).*

Ислом таълимотларига биноан, эр-хотин орасидаги алоқа муҳаббат, севги, раҳм-шафқат ва унсу улфатлик алоқаси бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам орага тушган баъзи ноқулай ҳолат туфайли дарҳол бир-бирига зулм қилишга ўтиш керак эмас.

Ҳазрати Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳу хотинига муҳаббати йўқ бўлиб қолгани учун уни талоқ қилмоқчи бўлган одамга: “Шўринг қурсин! Оилалар муҳаббат учун қурилмаганми?! Риоя қани?! Масъулият қани?!” деганлар.

Аллома Ибн Касир: “Уларга ширинсуханлик қилинг, яхши муомалада бўлинг, иложи борича кўринишингизни гўзал қилинг”, деган.

Аллоҳ таоло Нисо сурасида: **“Ва улар сиздан мустаҳкам аҳду паймон олганлар-ку?!”** деган (21-оят).

Никоҳ туфайли эру хотин нафақат жисман, балки руҳан ҳам қўшилади. Уларнинг ҳис туйғулари, орзу-умидлари, виждонлари, сир-асрорлари, дарду ғамлари, бахту саодатлари – барча-барча нарса ўзаро жипслашади. Ислонда никоҳ ҳамда оила Аллоҳнинг исми ила, Пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатлари билан қуриладиган муқаддас робита ва ошёнди.

Ояти каримадаги “аҳду паймон”нинг маъноси ҳақида Суфён ас-Саврий: “Яхшилик ила тутиб туриш ёки яхшилик билан ажрашиш ҳақидаги аҳд”, деганлар.

Робеъ ибн Анас эса: “Бу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: “Сиз уларни Аллоҳнинг омонати ила олдингиз ва фаржларини Аллоҳнинг калимаси ила ўзингизга ҳалол этдингиз”, деган ҳадисларидан иборатдир”, деган.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: *“Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, қўшнисига озор бермасин ва аёлларга доимо яхшилик қилинг! Чунки улар қовурғадан яратилгандирлар. Албатта, қовурғанинг энг эгри жойи юқори қисмидир. Агар уни тўғрилайман, деб уринсанг, синдирасан. Агар уни тек қўйсанг, эгрилиги бўйича қолур. Бас, аёлларга доимо яхшилик қилинг!”* дедилар” (Икки шайх ва Термизий ривоят қилишган).

Бошқа бир ривоятда: “Албатта, аёл киши қовурғадан яратилгандир. У сен учун бир йўлда

мустақил турмас. Агар сен ундан эгрилиги бўйича ҳузурлансанг, ҳузурланиб қолдинг. Агар уни тўғрилайман, десанг, синдирасан. Уни синдиришинг талоқ қилишингдир”, дейилган.

Беайб инсон йўқ. Жумладан, беайб аёл киши ҳам йўқ. Беайб ёлғиз Парвардигорнинг Ўзи. Аёл кишини Аллоҳ таоло ўзига хос табиат билан яратган. У хотин бўлиши, она бўлиши ва бу вазифаларга тегишли масъулиятларни адо этиши лозим. Ана ўшанинг учун ҳам аёл кишида тез ва таъсирли меҳр кўрсатиш қобилияти бўлиши зарур, бунинг акси ўлароқ, унда тез аччиқ чиқиш ва оғир нарсани кўтара олмаслик сифати ҳам юзага келган. Аёл киши ўз жинсига мос келадиган машаққатлардан юз ва ундан ҳам кўп эркак киши кўтара олмайдиганини бир ўзи кўтариши мумкин, аммо ўзига хос бўлмаган қийинчилик, салгина кўпол муомала, бир оғиз ноқулай сўзни кўтара олмаслиги табиий. Эр ушбу ҳолатларнинг ҳаммасини ҳисобга олган ҳолда хотинига яхши муомалада бўлиши лозим.

Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ҳадисда: *“Аёлларга доимо яхшилик қилинг!”* демоқдалар.

Халқимизда ушбу маъно “Аёл киши яхши сўзнинг гадоси”, деган ҳикматли сўз билан ифода қилинган. Бундан аёл кишига доимо яхши муносабатда бўлиш кераклиги билинади. Чунки унинг асли яратилиши шуни тақозо қилади. Аллоҳ таоло аёлни аввал айтиб ўтилган ҳикматларга биноан шундоқ қилиб яратган.

Шунинг учун аёлдан содир бўлган ҳар бир нарсани тафтиш қилиб, унинг бошқача бўлиши

учун уриниш эрга маслаҳат берилмайди. Балки аёл табиатига мансуб нарсаларни ўз ҳолида қолдириб, сабр қилиш афзал бўлади. Ана ўшанда уриш-жанжаллар озаяди, оиланинг бузилиш хавфи йўқолади. Бу ҳадисда "...уни тўғрилайман, деб уринсанг, синдирасан", дейилмоқда. Демак, аёл кишида содир бўлган ҳар бир эгриликни тўғрилаш учун уриниш яхши натижага эмас, балки оила бузилишига олиб келади.

Демак, аёлдан содир бўладиган камчиликларга сабр қилиб, у билан яхши яшашга уриниш эрнинг вазифасидир.

Аёл кишининг эридаги ҳақларидан энг муҳими бўлмиш яхши яшашлик, унга гўзал муомала қилишлик ҳақида шариатимизнинг тавсиялари жуда ҳам кўп. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда эрларга хитоб қилиб: **"Ва у (аёл)лар ила яхшиликда яшангиз!"** деган.

Бу эса яхши муомала, озор бермаслик, ҳаққини поймол қилмаслик, ёмон кўришни изҳор этмаслик, ширинсуханлик, қилган яхшиликларини миннат қилмаслик каби ишларда намоён бўлади.

### **Пайғамбаримиз алайҳиссалом ва Оиша онамизнинг ўзаро буюк муҳаббатлари**

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам билан Оиша онамиз розияллоҳу анҳонинг ўрталаридаги ўзаро муҳаббат ажойиб бир ҳолатда эди. Ўша пайтни васф қилган китоблардаги ривоятларни ўқир эканмиз, бу нафис ҳолатдан завқланмай иложимиз йўқ.

Охирги замон пайғамбари бўлмиш Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам билан у зотнинг маҳбуба, завжаи мутоҳҳаралари Оиша онамиз розияллоҳу анҳонинг ораларидаги ўзаро муҳаббат кенг маънодаги бўлиб, уни атрофлича мулоҳаза қилиш ва ўрнак олиш лозим. Албатта, бу маъноларни тўлиқ англашимиз учун ривоятларга муурожаат қиламиз.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга:

*“Албатта, сен мендан қачон рози бўлсанг ҳам, биламан, мендан қачон аччиқланган бўлсанг ҳам, биламан”,* дедилар.

“Уни қаердан биласиз?” дедим.

“Қачон мендан рози бўлсанг, “Муҳаммаднинг Роббиси ила қасамки, ундоқ эмас!” дейсан. Қачон аччиқланган бўлсанг, “Иброҳимнинг Роббиси ила қасамки, ундоқ эмас!” дейсан”, дедилар.

“Тўғри! Аллоҳга қасамки, эй Аллоҳнинг Расули, исмингиздан бошқани хижрон этмайман”, дедим”.

*Имом Муслим ривоят қилган.*

Мана шу ҳадиси шарифда икки тарафнинг бир-бирларига нозик қарашлари ва илтифотлари очиқ баён этилмоқда.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша онамиз розияллоҳу анҳонинг гапларидаги бир оғиз сўзнинг ўзгаришидан у кишининг руҳиятидаги куллий ўзгаришни англаганлар.

Оиша онамиз розияллоҳу анҳо эса ана ўша ўзларидаги ўзгаришни жуда нозиклик билан юзага чиқарганлар.

Икки тараф бир бўлганда эса бир-бирларига очиқ айтганлар.

Оиша онамиз розияллоху анҳо ўз навбатларида, яъни ўзларига ажратилган вақтда Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламдан ҳеч ажрашни истамас эдилар. Агар бирор сабабга кўра у зотдан ажраб қолсалар, излашга тушар эдилар.

Имом Муслим, Термизий, Насайй ва Абу Довуд Оиша розияллоху анҳодан ривоят қиладилар:

“Бир кеча Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламни ўринда йўқотиб қўйдим. Изласам, қўлим оёқларининг остига тегди, у зот саждагоҳда эканлар, икки оёқлари тик турган экан. Ўзлари бўлса:

*“Аллохумма аъзу биризока мин сахатика ва бимуъофотика мин уқубатика, аъзу бика минка, лаа уҳсий синоъан алайка. Анта кама аснайта ала нафсика”,* дер эдилар”.

Бу ривоятда ухлаб ётган Оиша онамиз розияллоху анҳо кўзларини уйқудан очганларида Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг жойларида йўқлигини сезиб, излашга тушганлари баён этилмоқда.

*3. Эр ҳазил-мутойиба ва кўнгилхуши билан аёлини эркалатиб туради.*

Пайғамбаримиз алайҳиссалом ўзлари аёлларига гўзал муомалали бўлиб, доимо хурсанд, уларни эркалаган, лутф кўрсатган ва нафақаларини кўпайтирган ҳолда яшаганлар.

У зот соллаллоху алайҳи васаллам аёллари билан ҳазиллашиб кулишар эдилар. Пайғамбар алайҳиссалом улар билан жуда яхши муомалада бўлардилар.

Оиша онамиз: “У киши аёллари билан холи қолганларида энг мулойим, карамли, серкулги ва сертабассум киши бўлардилар”, деб ривоят қилганлар.

Имом Аҳмад ва Имом Абу Довудлар Оиша онамиз розияллоху анҳодан келтирган ривоятда куйидагилар айтилади: “Набий соллаллоху алайҳи васаллам мен билан мусобақалашган эдилар, мен у зотдан ўзиб кетдим. Бир муддатдан сўнг менинг гўштим оғирлашганида яна мен билан мусобақалашиб, мендан ўзиб кетдилар ва: *“Ҳалиги билан биру бир”*, дедилар”.

Қаранг, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ўз хотинлари Оиша онамиз розияллоху анҳо билан югуриш мусобақаси ўтказган эканлар.

Бу югуриш мусобақаси ўтган пайтда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг ёшлари эллик учдан ўтган эди.

Кейинги Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам Оиша онамиздан ўзиб кетган югуриш мусобақасида эса у зотнинг ёшлари ундан ҳам катта бўлган.

Имом Бухорий, Муслим ва Насайлар Оиша онамиз розияллоху анҳудан ривоят қиладилар: “Ийд куни эди. Ҳабашийлар қалқон ва найзаларни ўйнашарди. Ёки мен Расулудлох соллаллоху алайҳи васалламдан сўрадим, ёки у зот: *“Томоша қилишни хоҳлайсанми?”* дедилар.

*“Ҳа”*, дедим.

У киши мени орқаларига турғиздилар. Юзим у кишининг юзларига тегиб турарди. У зот бўлсалар:



“Эй Бани Арфидалар, давом этаверинглар”, дердилар.

Бу ҳол то мен малол олгунимча давом этди. Кейин:

“Бўлдингми?” дедилар.

“Ҳа”, дедим.

“Кетавер”, дедилар”.

Имом Термизий Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ўтирган эдилар. Шовқин ва болаларнинг овозини эшитдик. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам турдилар. Қарасак, бир ҳабашия чилдирма чалиб, ўйин тушмоқда. Атрофида болалар.

“Эй Оиша, бу ёққа кел, қарагин”, дедилар у зот.

Бориб, жағимни Расулуллоҳнинг елкасига қўйиб у (ҳабашия)га назар сола бошладим. У зот:

“Тўймадингми? Тўймадингми?” дер эдилар.

Мен у зотнинг ҳузурларида ўз манзиламни билиш учун “Йўқ!” дер эдим.

Бирдан Умар пайдо бўлди. Одамлар у (ҳабашия)нинг атрофидан қочиб кетишди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: “Мен инсу жиннинг шайтонлари Умардан қочганларини кўрмоқдаман”, дедилар. Мен қайтдим”.

Савда бинти Замъа онамиз розияллоху анҳо авваллари ҳам кези келганда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламни кулдириб турар эдилар. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламга у кишининг бу сифатлари маъқул келар эди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Савда бинти Замъа онамиз розияллоҳу анҳонинг ҳазил-мутойибаларига ўзига яраша лутф ила муомала қилар эдилар.

Ибн Саъд ўзларининг “Тобақот” номли машҳур китобларида бу борада қуйидаги ривоятни келтирадилар:

“Савда розияллоҳу анҳо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга:

“Эй Аллоҳнинг Расули, кеча ортингиздан намоз ўқидим. Шунчалар рукуъ қилдингизки, қон оқиб кетмасин, деб бурнимни ушлаб турдим”, деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кулдилар. У аҳёнда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кулдириб турар эди”.

Имом Насайй ва бошқа муҳаддислар Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан ривоят қиладилар: “Бир куни Савда бизникига зиёратга келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мен билан унинг ўртамизда ўтирдилар. У зот бир оёқларни менинг қўйнимга, иккинчи оёқларини унинг қўйнига ташлаб ўтирар эдилар. Мен ҳарийра пишириб келдим ва Савдага: “Егин”, дедим.

У кўнмади.

“Агар емасанг, юзингга суртаман”, дедим.

У яна кўнмади. Мен лагандан бир оз нарсани олдимда унинг юзига суртдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кулдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам оёқларини унинг қўйнидан олдилар. Унга мендан ўч олишга шароит яратдилар ва:

“Сен ҳам унинг юзига сурт!” дедилар.

У лагандан бир оз нарса олиб, менинг юзимга суртди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кулар эдилар...”

*4. Ҳазил-мутойиба ва кўнгилхушига ўхшаш ишларда мўътадил бўлиш шарт.*

Бу масалада аёлларга жуда ҳам эрк бериб, одоб доирасидан чиқиб кетишларига йўл қўйилмайди. Шариатга хилоф ва мункар ишларга зинҳор рухсат берилмайди. Нотўғри гап ёки иш содир бўлса, уни тўғрилайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай қилар эдилар.

Имом Бухорий, Муслим ва Термизийлар Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: “Расулуллоҳ салоллоҳу алайҳи васаллам бемор бўлиб, оғирлашиб қолдилар. Бас, у зот: “Абу Бакрга амр қилинглар, одамларга намозга ўтсин”, дедилар.

“У юмшоқ одам, агар сизнинг мақомингизга турса, одамларга намоз ўқиб бера олмайди”, деди Оиша.

“Абу Бакрга амр қилинглар, одамларга намозга ўтсин”, дедилар у зот. У яна ўз гапини қайтарди.

“Абу Бакрга айт, одамларга намоз ўқиб берсин! Албатта, сиз (аёл)лар Юсуфнинг соҳибаларисиз”, дедилар у зот.

Бас, унга хабар келди ва у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётликларида одамларга намозга ўтди”.

*5. Рашк қилишда мўътадил бўлиши керак. Бехудага рашк қилмайди.*

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам: *“Албатта, Аллоҳ рашк қиладир. Мўмин ҳам рашк қилади. Аллоҳнинг рашки мўминнинг Аллоҳ ҳаром қилган нарсасини қилмоғидан келадир”, дедилар*” (Имом Термизий ва Бухорий ривоят қилган).

Рашк аслида шерикчилик мумкин бўлмаган нарсага шерикчилик қилиш оқибатида ҳақ эгасининг ғазаби кўзишини англатади. Кўпроқ эру хотиннинг бир-бирини бошқалардан қизғанишига рашк деб одатланган.

Ушбу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам рашк Аллоҳ таолога ҳам мос нарса эканини айтиш билан бирга мўмин кишида рашк бўлиши зарурлигини таъкидламоқдалар. Аллоҳнинг рашки Ўзи қилмасликни амр этган ҳаром ишлар мўмин киши томонидан қилиниши туфайли келиши ҳам баён қилиняпти. Яъни, Аллоҳ учун тарк қилиниши лозим бўлган ишнинг қилиниши, Аллоҳнинг амри эмас, бошқанинг амри тугилиши Аллоҳнинг рашкини, яъни ғазабини келтириши турган гаплиги айтилмоқда. Ожиз инсон ўзига тобеъ шахс бошқанинг айтганини қилса, қанчалар аччиғи чиқади, аммо ҳамма нарсага Қодир Аллоҳнинг айтганини қилмай, бошқанинг айтганини қилишни ўзига эп кўради.

Аллоҳ таоло рашк қиладиган бўлганидан кейин мўмин киши ҳам рашк қилмоғи лозим. Мўътадил, васваса даражасига ўтмаган рашк яхши сифатдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мўътадил рашк - яхши, бу сифат Аллоҳнинг, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ва ҳақиқий мўмин-мусулмонларнинг сифатидир.

6. *Нафақада мўътадил бўлиш зарур: жуда қисиб ҳам қўймайди, исрофга йўл ҳам қўймайди.*

Аллоҳ таоло Аъроф сурасида: **“Еб-ичинг ва исроф қилманг”**, деган (31-оят).

Исро сурасида эса: **“Кўлингни бўйнингга боғлаб олма. Уни бир йўла ёзиб ҳам юборма”**, дейилган (29-оят).

Умар розияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Бани Назирнинг хурмосидан сотиб олиб, ўз аҳллари учун бир йиллик қутини сақлаб қўяр эдилар” (Имом Бухорий ривоят қилган).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Аллоҳнинг йўлида инфоқ қилган диноринг, қул озод қилиш учун инфоқ қилган диноринг, мискинга садақа қилган диноринг ва аҳлингга нафақа қилиб берган диноринг ичида энг ажри улуғи аҳлингга нафақа қилганингдир” (Имом Муслим, Термизий, Аҳмадлар ривоят қилишган).

Чунки аҳлига нафақа қилиш вожиб, Аллоҳнинг йўлида қул озод қилиш ва мискинга пул сарфлаш эса ихтиёрийдир.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинадики, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Бир одамга гуноҳ ўлароқ, ўзи молик бўлган одамларнинг қутини тутиб туриши етарлидир”**, дедилар (Имом Муслим, Насайи ва Абу Довуд ривоят қилишган).

Абу Довуднинг лафзида: “Бир одамга гуноҳ ўлароқ, ўзи қутини берадиган шахсни зое қилмоғи етарли”, дейилган.

Мусулмон одам учун ўз қарамоғидаги шахсларнинг турмуши учун зарур “қути лаа ямути”ни ўз вақтида етказиб бериши лозим. Агар шуни ўз вақтида қилмаса, бошқа гуноҳнинг кераги йўқ бўлиб қолади. Яъни, мазкур камчилик етарли гуноҳ ҳисобланади. Бу дунё ва охират азобини тортаверади.

Шунинг учун ҳар бир мусулмон гуноҳкор бўлмай, деса, ўз қарамоғидаги кишиларни вақтида таъминлаб турмоғи лозим. Бу ишни ҳеч кечга қолдирмаслик керак.

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам садақа қилишга амр қилдилар. Бас, бир одам: “Эй Аллоҳнинг Расули, менда динор бор”, деди.

“Ўзингга инфоқ қил”, дедилар.

“Менда бошқаси ҳам бор”, деди.

“Хотинингга нафақа қил”, дедилар.

“Менда яна бошқаси бор”, деди.

“Болангга нафақа қил”, дедилар.

“Менда яна бошқаси бор”, деди.

“Ўзинг биласан”, дедилар” *(Абу Довуд, Насайй, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган).*

Энг муҳими нафақанинг ҳалолдан бўлишини таъминлашдир. Эр аёлига қолган ва тез бузилиб қоладиган таомларни садақа қилиб туришга амр қилади. Бу эҳсоннинг энг паст даражасидир. Бундай садақани аёл ўзи, эри буюрмаса ҳам, қилавериши керак. Эр ўзи учун аҳли аёлидан

ўзгача яхши таомни ихтиёр қилмаслиги керак. Оила аъзолари жам бўлиб таом тановул қилишлари яхшидир.

*7. Эр ҳайз, нифос, истиҳозага ўхшаш нарсаларнинг шаръий ҳукмларини ва бошқа диний илмларни ўзи ўрганиб, аёлига ҳам ўргатиши керак.*

**Аллоҳ таоло Таҳрим сурасида: “Эй иймон келтирганлар! Ўзингизни ва аҳли аёлингизни ёқилғиси одамлару тошдан бўлган ўтдан сақланг”, деган (6-оят).**

Аҳли аёлини, фарзандларини диндор қилиб тарбиялаш оила бошлиғининг Аллоҳнинг олдидаги бурчи эканига юқоридаги ояти карима ёрқин далилдир. Одамлар орасида “Ўзингни бил, ўзгани кўй”, деган номаъқул гап юради. Лекин шарият бўйича эр хотин учун, ота болалар учун масъулдир. Қиёматда Аллоҳнинг ҳузурида жавоб беради.

Хотинга диний таълим бериш ва одоб ўргатиш ҳам эрнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Агар хотиндан баъзи одобсизликлар ўтса, эр яхшилик билан уни тарбия қилади ва одоб чораларини қўллайди.

Эр ўз хотинига аҳли сунна ва жамоа мазҳаби ақийдасини яхшилаб таълим беради. Унинг қалбидаги бидъат ва хурофотларни кетказди. Ибодатларни ўз вақтида ихлос билан адо этишга одатлантиради. Ҳайз, нифос ва истиҳоза каби аёлларга хос масалаларни пухта ўрганиб олишини таъминлайди.

*8. Эр хотини билан бўладиган жинсий алоқанинг барча ҳукм ва одобларини яхшилаб ўрганиб, уларга амал қилиши керак.*

Жинсий тарбия муҳим масалалардан бўлгани учун Аллоҳ таоло уни Қуръонда зикр қилган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадисларида бу тарбияга аҳамият берганлар.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *“Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Агар бирингиз ўз аҳлига яқинлик қилишни ирода қилган пайтида “Бисмиллаҳи. Эй бор Худоё, биздан шайтонни четда қилгин, шайтондан бизни ризқлантирган нарсангдан четда қилгин”, деса, албатта, агар ўшанда уларга фарзанд бериладиган бўлса, унга шайтон абадий зарар етказа олмайди” (Бешовлари ривоят қилдилар).*

Жуфти ҳалолига жинсий яқинлик қилаётган киши ушбу дуони ўқиши лозим. Ўшанда шайтоннинг шарридан покланган бўлади. Мабодо, ўша яқинликдан ораларида фарзанд пайдо бўладиган бўлса ҳам, у болага ҳеч қачон шайтон зарар етказа олмайди.

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *“Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Яланғоч бўлишдан сақланинглар. Чунки сиз билан қазои ҳожат ва эр киши ўз аҳлига борган пайтдан бошқа вақтда ҳеч ажралмайдиган шахслар бўлади. Бас, улардан ҳаё қилинганлар ва уларни икром этинглар”, дедилар” (Имом Термизий “Одоб” бобида ривоят қилган).*

Бу ривоятда фақат икки ҳолатдан бошқа пайтда одамдан ажралмайдиганлар, деб айтилаётганлар фаришталардир. У фаришталарнинг баъзилари кишини турли бало-офатлардан қўриқлаб турсалар, баъзилари қилган амалларини



ёзиб турадилар. Шунинг учун ҳам мўмин-мусулмонлар ўша фаришталарнинг риоясини қилиб туришлари керак. Шариат рухсат бермаган ҳолатларда ҳеч авратларини очмасликлари лозим. Фаришталарга озор бўлиб тушмасин.

Шунингдек, уламоларимиз бу ишни қиблага қараб қилмасликни маслаҳат берганлар.

Сунан эгалари ривоятида: “Ким аёл кишининг орқасига яқинлик қилса, малъундир”, дейилган.

Ўз хотинининг олдини қўйиб, орқасига яқинлик қилиш катта гуноҳдир. Ундоқ одам Аллоҳ таолонинг лаънатиغا учрайди. Чунки бу шаръан ҳаром қилинган ишдир.

Эру хотиннинг орасидаги шариат иши фақат иккисининг сири бўлиб қолиши керак. Эр ҳам, хотин ҳам жинсий алоқа пайтида бўладиган нарсаларни бошқаларга айтмаслиги лозим. Мазкур сирни бошқаларга айтиб юриш беодоблик, шарму ҳаёсизлик ва гуноҳ иш ҳисобланади. Жамиятда фоҳиша гап-сўз ва ишларнинг кўпайишига сабаб бўлади.

*9. Орада чиққан келишмовчиликларни иложи борича яхшилик билан ҳал қилиш ҳаракатида бўлади.*

Эрнинг хотинига ваъз қилиши, ўрнини бошқа қилиб ётиши каби чоралар аввал айтиб ўтилган. Энди ораларига ислоҳ учун ҳакам қўйиш ҳақидаги оятни ўрганамиз.

Аллоҳ таоло Нисо сурасида: “Агар икковларининг оралари бузилишидан кўрқсангиз, эрнинг аҳлидан бир ҳакам ва хотиннинг аҳлидан бир ҳакам ажратинг. Агар улар ислоҳни ирода қилсалар, Аллоҳ эр-хотиннинг

**орасини мувофиқлаштирур. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор Зотдир”, деган (35-оят).**

Эр ўзи рози бўлган қариндошини, хотин ҳам ўзи рози бўлган бир қариндошини ҳакамликка тайин қиладилар. Розилик кейинчалик ҳакамлар чиқарган ҳукмга ҳам рози бўлишлари учун керак бўлади.

Албатта, ҳакамлар ақлли, тажрибали, турмушнинг пасту баландидан хабардор кишилар бўлиши лозим. Табиийки, икковлари ҳам Аллоҳдан кўрққан ҳолда адолатли ҳукм чиқаришга ҳаракат қилишлари керак. Ҳакамларнинг асосий вазифаси эру хотин орасини ислоҳ қилишдир.

Шунинг учун ҳам ояти каримада: **“Агар улар ислоҳни ирода қилсалар, Аллоҳ эр-хотиннинг орасини мувофиқлаштирур”**, деб ҳакамларга ислоҳчилик нисбати берилмоқда.

Худди шу тушунчадан келиб чиқиб, баъзи уламолар: “Ҳакамларга фақат яраштириш – ислоҳ ҳуқуқи берилган”, дейдилар.

Бошқалари эса ҳолатни ўргангач, ислоҳ қилишнинг иложи йўқлигига амин бўлишса, эру хотинни ажратиб қўйсалар ҳам, ҳақлари бор, шунингдек, уларга тегишли жазо чораларини, молу мулкка оид масалаларни ҳам ҳал қилишади, дейдилар.

Ҳазрати Усмон ибн Аффон Зиннурайн вақтларида худди шу ояти каримага амал қилиб иш юритилгани тафсир китобларимизда нақл қилинади.

Ақийл ибн Абу Толиб Фотима бинти Утба

ибн Робиъага уйланган эди. Аёл: “Сен менга сабр қилсанг, мен сенга нафақа бераман”, деган эди. Эри кўчадан келса, “Утба ибн Робиъа ва Шайба ибн Робиъалар қаерда?” деб сўрарди. Бир куни эри: “Дўзахга кирсанг, сенинг чап томонингда бўладилар”, деб жавоб қилди. Хотин кийимларини кийиб, халифа ҳазрати Усмон ҳузурларига бориб, бўлган воқеани айтди. Ҳазрати Усмон кулдилар-да, Абдуллоҳ ибн Аббос билан Муовия ибн Абу Суфёнларни чақириб, ҳакам этиб тайинладилар ва уларга: “Агар яраштиришни истасангиз, яраштинг, ажратишни истасангиз, ажратинглар”, дедилар.

Албатта, ҳакамлар ўзларининг инсоний чекланган илмлар ва имконлари доирасида ҳукм чиқарадилар. Қолгани эса ҳар бир нарсани Ўзининг чексиз илми ила билувчи ва ҳар бир ишдан хабардор Аллоҳ таолонинг Ўзига ҳавола.

**“Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор Зотдир”.**

**Тўртинчи ҳикоя**  
**Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер**  
**қиладиган ҳам...**

Бир хотин эрининг бошқа бир аёлни яхши кўришини билиб қолиб, ўша аёлни топиб бориб, шундай дебди:

– Сен шу курумсоқ, ичи қора эримдан нима топдинг? Нега у сени яхши кўриб қолди? Наҳотки, сен ҳам уни яхши кўрсанг?!

– Сен эрингга туҳмат қиляпсан, – дебди аёл. – Сенинг эринг энг сахий, доно, кўрқмас инсон-ку. Уни ҳақиқий эркак, деса бўлади. Ҳар байрамда гўзал совғалар беради, ҳар куни ҳолимдан хабар олади. Агар билсанг, дунёдаги энг омадли аёл аслида сенсан!

– Бўлмаган гап! Унга текканимдан бери менга на гул, на совға берган. Ойлигини умуман кўрмайман, менгаям бермайди, ўзиям рўзғор қилмайди. Биз бошқа-бошқа одам ҳақида гаплашаётганга ўхшаймиз.

– Мен сизни ҳурмат қиламан, шунинг учун эрингиз билан кўп суҳбат қурмайман. У шунақанги ўқимишли инсонки... У киши билан гаплашсам, вақт қандай ўтиб кетганини билмай қоламан.

– Ё тавба, мен тоғдан келсам, у боғдан келади-ку! Бу ёқда шунча иши турганда мароқли суҳбатга бало борми? Уйнинг ремонтигаям хомашёни ўзим зилдай қилиб ташиб келаман. Бу кишим бўлса, хотиним кеч қолди-ю, деб номига хавотирланиб ҳам қўймайди!

– Ростданам иккита одам ҳақида гапиряпмиз, шекилли... У киши менга умуман оғир юк кўтармайсан, деганлар. Мени шунчалик авайлайдиларки, бахтдан бошим айланади. Хотинингизга ҳавасим келяпти, деб ўзларига кўп айтардим. Чунки менгаки шунчалик эътибор қилсалар, сизни осмонга кўтарсалар керак, деб ҳатто рашким келарди! Энди эса бу гапларингизни эшитиб, ҳайрон бўлиб қолдим, опа...

Аслида икки аёлнинг ҳам сўзлари тўғри эди. Улар битта одам ҳақида сўзлашарди. Аммо гап шундаки, уларнинг бирига ҳимоячи, мард эркак керак бўлса, бирига эса ношуд, ландовур эр керак эди.

Қиссадан ҳисса шуки, аёл эридан нимани кутса, нимани ният қилса, шу нарсага эришар экан.

*Эрини абгор қиладиган аёлнинг нотўғри фикрларини қаранг:*

\*Мен эрим ҳақида қандай фикрда бўлсам, бошқалар ҳам шундай.

\*Мен эримни ҳурмат қилмайман, демак, уни бошқалар ҳам назарига илмайди.

\*Мен эримга ишонмайман, унга бошқалар ҳам ишонмайди.

\*Аёл ўз эридан норози бўлса, ундан кўнгли тўлмаса, оиладаги муҳит ҳам худди шундай бўлади. Дастурхоннинг баракаси ҳам худди шундай. Ҳатто сотиб олган уй жиҳозлари ҳам кейин кўнгилларига ёқмай қолар экан.

\*Хотин “Пешонам курсин, бошқасига, яхшироғига тегсам бўлмасмиди?!” деб афсус чекса, эркак хиёнат кўчасига кирар экан.

\*Хотин эрини яхши кўрмаса, эркак ароқни, наркотикни яхши кўра бошларкан. Аёлидан хузур топмаса, алкоголь сафосига қадам кўяр экан.

\*Эркакнинг ўз оиласида дўсти бўлмаса, ёш болага ўхшаб ҳали компьютер, ҳали интернет, ҳали телефон билан дўстлашиб, улар билан “суҳбат”га муккасидан кетар экан.

\*Аёл эрига юрагидан жой бермаса, унга эрининг чўнтагига йўл бўлсин!

\*Хотин жудаям эркин бўлиб кетса, эркак жавобгарликни ҳис қилмайдиган оила “бошлиғи”га айланади.

\*Аёл кўп хафа бўлса, эркак ғазабнок бўлиб қолар экан.

\*Хотин киши эркакдек бақириб, уришиб, сўкиниб гапирса, эркак ожиз бўлиб қоларкан ёки бу эркакшода шаллақи билан эркакчасига гаплашиб кўяр экан.

\*Аёл катта ишда, раҳбар лавозимда ишласа, эри эса оддий ишчи ёки қоровул бўлса, бундай эркак пассив одамга айланиб қоларкан.

*Эрини бахтли қиладиган аёллар нима қилади?*

\*Эркакка энг аввало хотин ишониши керак. Шунда бу ишонч бошқаларга ҳам юқади.

\*Аёл киши эрини маъқулласа, унинг айтгани айтган, дегани деган бўларкан.

\*Аёл киши эрининг измидан чиқмаса, эркак уни ўз ҳимоясига оларкан.

\*Эрининг мол-дунёсини меҳри билан бой қилган аёлнинг эри ўз маликасини давлатнинг энг қимматбаҳо олмоси деб билиб, уни жонидан ҳам азиз кўрар экан.

*10. Эр бола туғилганда қилиниши лозим бўлган барча амалларни яхшилаб ўрганиб, татбиқ қилиши матлуб.*

*11. Эркак киши уйда аёли бўла туриб номаҳрам аёлларга боқмаслиги керак.*

Эркак киши шуни яхши билиши зарурки, бошқаларнинг мулки бўлган ожиза аёлларга кўз олайтирса, унинг мулки бўлган опасингилларига, аҳли аёлига бошқалар тарафидан ҳам худди шундай кўз олайтириш вужудга келади. Бу сўзимизни қуйида келган ҳикоя билан қувватлаймиз.

## Бешинчи ҳикоя Қайтар дунё

Қадимда Бухорои Шарифда ҳовузларга ариқлардан сув келиб қўйилган ва мешкобчилар улардан мешларига сув олиб, хонадонлардаги хумларга етказишган. Шундай қилиб, бу хизматларига ҳақ олиб, кун кечиришган.

Бу шаҳарда бир заргар бўлиб, у эрта тонгдан заргарлик дўконига ишга чиқиб кетар, уйда эса ёлғиз аёли қолар эди. Ушбу хонадонга ўн йилдан буён хизмат қиладиган бир мешкобчи бўлиб, ҳар куни сув олиб келар ва индамай пулини олиб чиқиб кетарди.

Иттифоқо, бир куни сув олиб келиб хумга қўйгач, пулни заргарнинг хотини қўлидан олгиси келибди. Уй соҳибаси пул бераётганда мешкобчи унинг юзига қаттиқ тикилибди, пулни олар экан, секин унинг қўлини сиқиб қўйибди. Бу ҳолатдан аёл жуда қаттиқ таажжубга тушиб, хижолат бўлибди.

Кечқурун заргар уйига қайтгач, аёли ундан сўрабди:

– Хожам, фақат ростини айтинг... Бугун кимнинг аёлига кўнглингиз кетди. Ўн йилдан бери хонадонимизга хизмат қиладиган мешкобчи индамасдан, ҳатто юзимга ҳам тик қарамасдан хизмат ҳаққини олиб чиқиб кетарди. Бугун пул бераётсам, юзимга қаттиқ тикилиб турди, қўлимдан пулни олар экан, маҳкам ушлаб, сиқиб қўйди.

Бу гапларни эшитган заргар “дод” деб юборибди.



- Ўзинг кечир, эй Аллоҳим! Сен ҳам кечир мени. Бугун харидорларим орасида бир жувон келиб, мендан билагузук олганди. Ниятим бузилиб, шайтон йўлдан урди. “Келинг, ўзим тақиб қўяман”, деб момик билагидан тутиб, билагузукни тақиб қўйгандим. Аллоҳ қайтарибди-да! Тавба қилдим, Аллоҳим, Ўзинг кечир! – деб ёлворибди заргар...

Хулоса сиздан...

### **Бола туғилиши муносабати ила амал қилинадиган одоблар**

*Бола туғилиши муносабати ила амал қилинадиган одоблар қуйидагилардан иборат:*

1. *Ўғил туғилганда кўп, қиз туғилганда оз хурсанд бўлмаслик.*

Балки қиз туғилганда сурурни кўпроқ изҳор қилиш керак. Чунки қизлар учун кўп савоб ваъда қилинган. Аллоҳ таоло Қуръонда фарзанд беришни зикр қилганда олдин қизларни ёдга олган. Кофирлар эса қиз фарзанд кўришганда хафа бўлишар экан. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳам кўп фарзандлари қиз бўлган.

У зот ўз ҳадисларидан бирида: “*Кимнинг қиз фарзанди бўлса, унга яхшилаб одоб ва таълим берса, Аллоҳ ўзига берган неъматлардан унга ҳам кенгчилик ила берса, ўша қиз унинг учун дўзахдан ман қилувчи ва парда бўлади*”, деганлар.

**Олтинчи ҳикоя**  
**Биринчи фарзанди қиз туғилган аёл**  
**баракалидир**

Баъзи ота-оналар қориндаги бола ўғилми ёки қиз эканини билишга ҳаракат қилаверадилар. Бунинг учун УЗИ қилдирадилар. Натижа улар хоҳлаганича чиқмаса (Аллоҳ сақласин), хос-сатан, қиз бўлган ҳолатда ҳомилани нобуд қилдиришдан ҳам тап тортмайдилар. Шу тарзда ўзларини ўта нодон эканликларини исботлайдилар. Чунки қанчалик илмий тадқиқот бўлмасин, улар гумонга асосланадилар. Бирор аниқ қарор бера олмайдилар. Шунинг учун сизга айтилган нарса акси бўлиб қолиши ҳам мумкин.

Фарзандлар борасида фақат Аллоҳнинг хоҳишига рози туришдагина омонлик ва хотиржамлик бор. Қиз туғилганида унинг онасига ёмон муомала қилиш сабабли яна Аллоҳ таолонинг лаънати ва ғазаби ёғилиб қолмасин. Қуйидаги ибратли ҳаётий воқеага диққат қилинг.

Кашмирнинг битта минтақасида бир шахснинг бешта қизи бор эди. Олтинчи марта фарзанд туғилиши кутилаётганди. У бир куни аёлига “Агар бу сафар ҳам қиз туғсанг, у ҳолда сени янги туғилган қизинг билан бирга ўлдираман!” деди.

Муборак Рамазон ойининг учинчи охири кечасида яна қиз туғилди. Тонг пайтида қизнинг онаси дод-вой қилишига қарамасдан золим ота (Аллоҳ сақласин!) ўзининг гулдек қизини ёғоч қозончага солиб, ўчоқда ёқди. Шунда бирдан ёғоч қозонча ёрилди ва ўша заҳоти даҳшатли зилзила

содир бўлди. Бақрайганча у золим шахс ер остига ғарқ бўлди, уни ер ютиб юборди. Қизнинг онаси ярадор ҳолда сақлаб қолинди. Эҳтимол, айнан шу орқали бу қайғули воқеа ошкор бўлгандир (*“Тарбияте авлаад” китобидан, 49–50-бетлар*).

2. Фарзанднинг ўнг қулоғига азон, чап қулоғига такбир айтиш зарур.

3. Фарзандга гўзал исм танлаш керак.

Имом Тобароний ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: *“Қачон исм қўйсангиз, бандалик маъносини ифода этинг”,* деганлар.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: *“Аллоҳ учун энг маҳбуб исмлар Абдуллоҳ ва Абдурроҳмандир”,* деганлар.

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: *“Қиёмат куни исмларингиз ва оталарингизнинг исмлари билан чақираласизлар. Бас, исмларингизни гўзал қилинг”,* деганлар.

4. Ақийқа қилади.

5. Фарзанднинг танглайини ширинлик билан кўтаради.

## Қайнонага мактуб

1. Келинингизни қизингиз ўрнига кўринг. Ўғлингизни тортиб олди, деган хаёлга борманг.

2. Келинингизга оналик қилинг. Унинг камчиликларини қидирманг. Кўп насиҳат қилаверманг. Сизни яхши кўришига эришинг.

3. Ўзгаларнинг келинингиз ҳақидаги миш-мишларига дарҳол ишонманг.

4. Уйдаги оддий ишларни ўзингиз бажаринг, ҳамма нарсани келинингиз зиммасига юкламанг. Умумий ҳолатни ўз даврингиз билан қиёсламанг.

5. Келинингиздан яширинча ўғлингиз билан суҳбатлашманг, келинингиз хавотирга тушмасин. Унинг ишончини қозонинг.

Келинг, энди ушбуларни бирма-бир изоҳласак:

*1. Келинингизни қизингиз ўрнига қўйинг. Ўғлингизни тортиб олди, деган хаёлга борманг.*

Изоҳ: она келинини ўз қизидек яхши кўриши лозим. У энди бегона эмас, ўғлининг умр йўлдоши, невараларининг онаси саналади. Маълум ёшга келиб, йигит ҳам, қиз ҳам турмуш қуради. Янги турмуш орқали жамиятга яна бир оила қўшилади. Бу Аллоҳ таоло буюрган қоидадир.

Кўпинча тўйгача куёвнинг онаси бахтли ва хурсанд кўринади. Бироқ тўйдан бир муддат ўтгач, келинида кўрган баъзи ҳаракатлар сабабли бу хурсандчилик ўжарликка айланади. Унинг ичида қизғониш ҳисси уйғонади. Она ўғлининг ўзига аввалгидек яқин эмаслигини кўриб, айбни келинининг бўйнига илади ва: “У келиб ўғлимни тортиб олди”, дея айблай бошлайди. Ваҳоланки, бу ҳаёт қонуни. Ўғли энди ёш бола эмас. Келин ҳам бегонамас. Шунга қарамай, баъзи оналарнинг келинларини қабул қилишлари қийин кечади. Бу ҳолат вақт ўтиши билан зуғум ва босимга айланиши мумкин. Натижада қайнона-келин жанжали келиб чиқади. Бунга имкон бермаслик

учун қайнона келинини қизидек кўриши, ўғлини қизғонмаслиги керак. Албатта, ҳар бир она ўғлини келинидан қизғонишига ўзи иқроор бўлмайди. Балки келин билан ўрталаридаги келишмовчилик асосида ана шу қизғониш ётганини ҳам билмас. Ўғлининг бахтли бўлишини истаган она энди аввалгидек бўлмаслигини, энди ўғлининг оиласи борлигини, улар оиласини ўз ҳолича бошқаришлари зарурлигини англаши лозим. Ўртада қизғониш, ғийбат, келишмовчиликлар содир бўлмаса, ўғли ва келини уни ҳурмат этиб, муносиб хизмат қилади. Айниқса, келинини бегона деб ўйлаш орқали ўғлини ҳам йўқотишини англаши керак. Ўзини келинининг ўрнига қўйиб, ўзининг келинлик пайтини эслаб, масалага тўғри ёндошиши даркор.

*2. Келинингизга оналик қилинг. Унинг камчиликларини қидирманг. Кўп насиҳат қилаверманг. Сизни яхши кўришига эришинг.*

Изоҳ: бу камчиликлар қозининг қизида ҳам бўлади, дейишган. Табиийки, ҳар бир инсоннинг нуқсонли ва заиф томонлари бўлади, хато қилади. Устига-устак, инсон камчилик топаман, деса, истаган пайтида бунга эришиши мумкин. Ҳатто яхши томонларини ҳам кўрмайди. Ваҳоинки, одамда яхши томонлар кўп бўлади. Ким билсин, балки ўша қайнонанинг ўзи келинини айнан бирон яхши хислати учун бошқалар орасидан танлаб олгандир. Хўш, нима ўзгардики, кечагина мақтаб турган келинининг хатоларини, ёмон томонларини санайдиган бўлиб қолди? Инсон бир кишини яхши кўрса, унга қусурлари кўрин-

майди, кўринса ҳам, уларни бўрттирмайди. Аммо нафрат қилган кишисининг кичкина хатосини кечирмайди. Демак, ўртада севги йўқолгач, ҳар икки томон ҳам тирноқ орасидан кир қидира бошлайди.

Қайнона келини бирор нарсани эплай олмаганида, унга ишонмаганида насиҳат қила бошлайди. Шубҳасиз, шу нарсаларни эслатиш ва кўрсатиш фойдали. Аммо худди бошга муштлагандек зарда билан қилинган насиҳат зарарлидир. Баъзида яхши ниятда бўлатуриб ҳам ортиқча насиҳат қилиш орқали таранг вазият юзага келиши мумкин. Кўп гап инсоннинг терисини қаттиқ қилиб кўяди. Мунтазам равишда танбеҳ бериш, буйруқ бериш қарши томоннинг ўзига бўлгани ишончини йўқотади. Энди келин қайнонасини тингламайди. Қайнона ўзи гапириб, ўзи эштади. Ваҳоланки, гап тинглатишнинг, иш қилдиришнинг энг осон йўли ширин тилли, очиқ юзли бўлиш ва ўзини кўрсатишдир. Келин қайнонасини яхши кўрса, унинг сўзларини эътиборсиз қабул қилади, ҳатто кўп нарсани у айтмасидан ҳам бажаради. Бу ҳолатда оила мустаҳкам асослар устига ўрнатилиб, осонликча зарар кўрмайди. Акс ҳолда икки томон ҳам ёмон ҳолатга тушиб, фолбинга, бахшига, иссиқ-совуқчигача бора бошлайди. Ваҳоланки, ўрталаридаги совуқчиликнинг сабаби ўз хатти-ҳаракатларидир. Бунинг фол ёки сеҳргарлик билан умуман алоқаси йўқ.

*3. Ўзгаларнинг келинингиз ҳақидаги миш-мишларига дарҳол ишонманг.*

Изоҳ: жамиятда яхши инсонлар билан бирга ёмонлари ҳам бор. Сизни яхши кўрадиганлар билан бирга сизнинг олдингизда кулиб, ортингиздан ёмонлик қиладиганлари ҳам бўлади. Бундай инсонлар сизга зиён етказиш ва душманлик қилиш учун фурсат пойлайди. Шунингдек, турмушга чиқмасидан илгари келиннгизга талабгорлар бўлиб, улар бу турмушни ҳазм қила олмаган бўлса ва улар ахлоқан тубан инсонлар бўлса, бу оиланинг бузилишини тўрт кўзлари билан кутади. Яна бир қатор сабабларга кўра уларни кўра олмаган одамлар бўлиши мумкин. Ана шу кишилар баъзан бошқалар воситасида турли хил гаплар тарқатишади.

Инсон ўз оиласи ёки яқин кишиси ҳақида бирор ёмон гап эшитса, ишониб қолавермаслиги лозим. Бунга тўла ишонч ҳосил қилмасдан туриб, қарор қабул қилмаслиги керак. Қайнона келини ҳақида бошқалар келтирган гап-сўзларни қурол қилиб олмаслиги, аввало, менинг келиним бундай иш қилмайди, бундай сўзламайди, деб келинини ҳимоя қилиши зарур. Гап ташувчиларга ишониш тўғри эмас. Бундай кишиларнинг гапини дарров маъқуллаб, ишониш кўпинча салбий оқибатларга, катта гуноҳлар қилинишига олиб келади. Қайнона ҳам, келин ҳам бундай инсонларга биргаликда қарши туриши лозим. Уларнинг ўртасига тушмоқчи бўлган ҳасад-гўйларга имкон бермаслик керак.

Хотинлар ўртасидаги ғийбатлар дўстларни душманга айлантиради, қанчадан-қанча иймон-

ли аёллар тухматга қолади. Оқибатда кўп оилалар бузилади. Ақлли аёл ғийбатларга эътибор бермайди. Ғийбатчилар билан ош-қатиқ бўлмайди. Келини ҳақидаги ёмон сўзларга суриш-тирмасдан ишонмайди. Агар шубҳа туғилса, буни бировларга дoston қилмасдан, келини билан юзма-юз ўтириб, ҳақиқатни билиб олишга уринади.

*4. Уйдаги оддий ишларни ўзингиз бажаринг, ҳамма нарсани келинингиз зиммасига юкларманг. Умумий ҳолатни ўз даврингиз билан қиёсламанг.*

Изоҳ: қайнона келинидан ҳурмат кутади, хизмат кутади. Албатта, бунга ҳаққи бор. Аммо бунда чегарадан ошмаслиги, бўлар-бўлмас ишларни ҳам келинидан кутиб, ҳурматини йўқотмаслиги керак.

Инсон ўзи қилиши керак бўлган ишларни ўзи бажариши лозим. Масалан, келини бола эмизиб турганида бориб бир стакан сув олиб келиши мумкин бўлган қайнонанинг “Қизим, менга сув олиб кел”, дейиши тўғри бўлмайди. Келинининг ҳолатини тушуниб, уни қийин аҳволга солиб қўймаслиги керак. Ҳар доим қилиши мумкин бўлган ишларини келинидан кутадиغان бўлса, бир куни келинининг бўғзига келади, “Ўзингиз қилинг!” дейишга мажбур бўлади. Бунга қайнонанинг хатолари сабаб бўлади.

Инсон оддий ишларни ўзи бажарса, ортиқча гап юзага келмайди. Акс ҳолда келин қайнонаси фақат уни чарчатиш ва қийнаш учун бу ишларни қилдирипти, деб ўйлаб қолиши мумкин. Келин истаса, бу истакларни эътирозсиз бажара олади,



аммо қайнонанинг бунга ҳаққи йўқ. У уйга хизматкор эмас, келин олиб келганини билиши лозим. Инсонийлик жиҳатдан келин бу ишларни бажариши мумкин, бажарса, савоб олади, аммо бунга мажбур эмас.

Қайноналарнинг алданишига сабаб бўладиган яна бир жиҳат келинини ўз даври билан таққослашидир. Орадан ўттиз, қирқ йил ўтган. Шарт-шароит, анъаналар ва урф-одатлар ўзгарган бўлиши мумкин. “Бизнинг давримизда бундай қилмасдик” сингари таққослашлар фойда бермайди. Кўп нарса ўзгарганини тан олиш зарур. Албатта, яхши анъана ва урф-одатларни келажак авлодларга етказишимиз керак. Бироқ уларнинг орасида бизнинг хатоларимиз, зарарли томонларимиз ҳам бўлиши мумкин. Уларни бугун яна такрорлаш янглишишдир. Шу сабабли ўтмишдаги нарсаларни эмас, ҳозирги кун учун энг маъқул бўлганини бажариш керак. Келинлардан ҳам ана шу гўзалликларни кутиш жоиз.

*5. Келинингиздан яширинча ўғлингиз билан суҳбатлашманг, келинингиз хавотирга тушмасин. Унинг ишончини қозонинг.*

Изоҳ: қайнона ўғли ва келини ўртасидаги алоқага, мувозанатга эътибор қилишга мажбур. Келини ҳақида бошқаларга гап ташиш, унинг ғийбатини қилиш унга асло ярашмайди. Ҳатто ўғлига ҳам келинини ёмонлаши нотўғри. Келин йўқлигида ёки бошқа хонага ўтганида дарров у ҳақида ўғлига гап етказиш ақлли қайнонага хос эмас. Бундай вазиятда келин

эрига ҳам, қайнонасига ҳам ишонмай кўяди. Ҳатто эри билан қайнонасини бирга кўришни истамайди. Шу боис имкони борича қайнона ўғли билан яширинча гаплашмаслиги керак. Келиннинг камчилиги бўлса, бунини ўғлига ҳам айтиб ўтирмай, келини билан юзма-юз гаплашиб олиши, тушунтириш йўлидан бориши зарур. Бизга ишонган инсон қилган насиҳатларимизни тинглайди, истакларимизни бажаради. Агар ишончли йўқотган бўлсак, қанчалик уринмайлик, қанчалик жанжаллашмайлик, истакларимизни бажармайди, насиҳатларимизга қулоқ солмайди.

Аксарият ҳолларда келинларда қайнонасига нисбатан кўрқув бўлади. Ҳар бир турмушга чиққан қизда бу туйғу ижтимоий ҳодисаларнинг таъсирида онг остида мавжудлигини давом эттирмоқда. “Қачон жанжаллашамиз? Қачон қайнонам менга қаҳрини сочади? Қачон келишмай қоламиз?” каби кўрқув, афсуски, мавжуд. Оилавий жанжалларнинг аксарияти қайнона-келин ўртасидаги келишмовчиликдан келиб чиқади.

Жамиятда келини билан яхши чиқишадиган ва уни қизидек кўрадиган қайноналар ҳам йўқ эмас. Бундай қайноналар келини ўзини бегона ҳис этишига йўл қўймайди. Ҳатто ўғли келинига нисбатан ноҳақлик қилаётган бўлса, дарҳол келинини ҳимоя этади. Бу фақатгина покиза, софдил ва ахлоқли оналарга хос фазилатдир. Ҳар икки оила аъзоларига, келин ва куёвга саодат ёр бўлишини тилайман!

### **Келиннинг онасига мактуб**

1. Қизингизни ҳимоя қилманг. Оиласидан шикоят қилиб келса, бунга аҳамият берманг. Куёвингизнинг яхши томонларини гапиринг.

2. Қизингизнинг уйига кўп борманг, ҳур-матингиз ошади. Аммо невараларингиз бўлса, ёрдамлашишни эсдан чиқарманг.

3. Қизингиз ва неварангизга куёвингиз ота-онасининг ҳам ҳаққи борлигини унутманг.

4. Қудаларингизни қариндош деб билинг. Уларга ҳурмат кўрсатинг.

5. Куёвингизни ўғил ўрнида кўринг. Уни вақти-вақти билан йўқлаб, кўнглини хушлаб туринг.

### **Ота онага яхшилик**

Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилинади:

“Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан:

— Амалларнинг қайси бири афзал? – деб сўрадим.

— Вақтида ўқилган намоз, – дедилар.

— Кейин нима? – дедим.

— Ота-онага яхшилик қилиш, – дедилар.

Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сукут сақладим. Агар яна зиёда сўраганимда зиёда жавоб берар эдилар”.

Бошидан бошлайлик. Нима учун яратилганмиз? Яшашдан мақсадимиз нима? Бу саволга ҳар бир мўмин “Аллоҳга итоат қилиш учун, Унинг амрларини бажариб, рози қилиш учун”, деб жавоб беради. Аллоҳ таоло эса бизга ота-онамизга

маъсият бўлмаган барча ишларда итоат этишни буюрди. Ҳаттоки Қуръони Каримнинг баъзи ўринларида ота-онага яхшилик Аллоҳга итоатдан кейин зикр қилинган. Аллоҳ таоло Исро сураси 23-оятда бундай деб марҳамат қилади: **“Роббинг фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилишингни ва ота-онага яхшилик қилишни амр этди”**.

### **Уларнинг муҳаббати – Аллоҳнинг мўъжизаси**

Ота-онанинг фарзандга бўлган меҳр-муҳаббати ҳеч қандай шартсиз ва чегарасиздир. Бу нафақат мусулмонларга, балки ғайримусулмонларга ҳам тааллуқли. Ахир қандай қилиб она ўзининг аччиқ азоблари ҳисобига дунёга келган болани шу қадар севиб, ардоқлаши мумкин? Унга беминнат хизмат қилади, тунлари ҳолидан хабар олади, таомининг маззали, кийим-кечагининг озода бўлиши учун тиним билмайди, бемор бўлганда эса ўзидан-да кўпроқ қайғуриб, парвариш қилади. Ота эса фарзандининг усти бут, қорни тўқ бўлиши учун, илм олиши учун жонини қийноққа қўйиб, меҳнат қилади, тарбияси гўзал бўлиши учун ҳаракат қилади. Буларнинг эвазига эса озгина меҳрдан бошқа ҳеч нима кутмайдилар. Бу муҳаббат Аллоҳнинг мўъжизасидан бошқа нима бўлиши мумкин?

## Жаннатга йўл

Аллоҳ таоло бандаларига меҳрибон, жаннатига кириш учун йўлларни кўпайтириб қўйган. Улардан энг осон, энг кенг, энг текис йўллардан бири, шубҳасиз, ота-онага яхшиликдир. Атрофимизда тақводор, солиҳ кишиларни кўп кўрамиз. Афсуски, баъзиларининг уйда ота-онага қилган муомаласини кўриб, ичимиздан зил кетамиз. Ҳозирда кўпчилик ёшлар ота-оналарига ўзларини тушунмасликда айблаб, кўпол муомала қиладилар. Бироқ шуни унутмаслигимиз керакки, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаттоки мушрик бўлса ҳам, ота-онага яхшилик қилишда, гўзал муомала кўрсатишда бардавом бўлишга буюрганлар. Биз эса гап қайтариш, сўзларини эътиборсиз қолдириш, бирор нима учун рухсат сўрашни ор билиш каби ёмон одатларимизни ҳамон ташламадик. Оддийгина хатти-ҳаракатлардан иборат бўлган фарзандлик одоби ҳам жаннатга киришимизга сабаб бўлиши мумкинлигини баъзан англамаймиз ҳам.

Саъд ибн Масъуддан ривоят қилинади: “Ибн Аббосга: “Қавмидан жангу жадалларга қўшилмаган ёки турли юртларга бормаган ота-онамдан бошқа ҳеч ким қолмаган. Ота-онам ёки отам бунга ёқтирмайди”, дедим. Шунда Ибн Аббос: “Ота-онаси бор одам уларга яхшилик қилмасдан тонг оттирмасин!” деди. “Иккисигами?” дедим. “Ҳа! Албатта, Аллоҳ унга жаннат эшикларидан икки эшикни очади. Ким яхшилик қилган ҳолда кун ўтказган бўлса, Аллоҳ, албатта, унга жаннат

эшикларидан икки эшикни очади. Агар биттаси бўлса, унга яхшилик қилиб тонг оттурса, Аллоҳ, албатта, унга жаннат эшикларидан бирини очиб қўяди ва улардан бирига яхшилик қилган ҳолида кун ўтказса, Аллоҳ, албатта, унга жаннат эшикларидан бир эшикни очиб қўяди. Улардан бири боладан ғазабланса, у рози бўлмагунича Аллоҳ таоло рози бўлмайди”, деди. “Золим бўлса ҳамми?” дедим. “Золим бўлса ҳам!” деди”.

### *Қандай қилиб?*

Ота-онага итоат, уларга яхшилик қилиш ҳақида жуда кўп асарлар ёзилган. Кўпчилигимиз улардан баъзиларини ўқиганмиз. Аммо амал қилишга келганда, барибир, оқсаймиз. Ўйлаб кўрайлик, бугун ота-онамизга қилган муомаламиздан охиратда Роббимиз, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларида уялиб қолмаймизми? Кейин “Нега бундай қилдим, нега бундай қилмадим?!” дея афсусланмаймизми?

Бугундан бошлаб ҳар намозда улар учун ихлос билан дуо қилиб, истиғфор айтишни одат қилайлик. Саждаларимизда уларнинг ҳақларига дуо қилайлик. Улардан меҳр-муҳаббатимизни аямайлик.

### *Баъзи амалий тавсиялар:*

- Ота-она билан суҳбатлашаётганда ўзимизга, айниқса, тилимизга эътиборли бўлиш, ўзимизни назорат қила билиб, уларни ранжитадиган сўзлар тугул улар учун фойдаси йўқ сўзларни ҳам сўзлашдан ўзимизни тийиш.

- Мажлисларда улардан юқори ўтирмаслик.
  - Уларга юзимизни буриштириб ёки жудаям жиддий қараш билан қарамаслик.
    - Сўзларига, насиҳатларига қулоқ солишга ҳамиша тайёр бўлиб, маслаҳатларига амал қилиш, гапларини бўлмаслик.
    - Имконимиз бўлса, молиявий жиҳатдан доимий ёрдам бериб туриш.
    - Байрамларда кичкина бўлса ҳам, тухфа тайёрлаш.
    - Улар учун яхши кўрадиган таомларини тайёрлаб ёки келтириб бериш.
    - Гапларини эътиборсиз қолдирмаслик, бирор иш буюрсалар, пайсалга солмай, малол олмай бажариш.
    - Алоҳида яшасалар, ҳолларидан хабар олиб туришни канда қилмаслик.
- Умуман, уларни хурсанд қилиш мумкин бўлган ҳар фурсатни ғанимат билайлик. Энг муҳими эса улар учун ҳамиша дуода бўлайлик. Шоядки, Аллоҳ таоло охиратда бизни улар билан жаннатида жам қилса...
- Роббим, улар мени кичиклигимда тарбия қилганларидек, уларга раҳм қилгин. Омин!

## Сўнгсўз ўрнида

Мана, азиз ўқувчи! Ожизона ҳаракат ила тайёрланган китоб кўлингизга етказилди. Агар у ҳаёт йўлларингизда бахтли турмуш қуришингизда ёрдам бера олса, ўзимизни мақсадга етган ҳисоблаймиз.

Мазкур китобни тайёрлашда турли адабиётлардан, интернет сайтларидан, шунингдек, ўзимизнинг ҳаётий тушунча-ю ижодий фаолиятимиздан фойдаландик. Мақсадимиз – одамлар гўзал турмушда яшасинлар...

Дарҳақиқат, келтирилган насиҳатлардан фойдалансак, ояту ҳадисларга амал қилсак, қандай бахтсиз яшаймиз?! Энг гўзал дастур бўлган Қуръони Каримда ҳаммаси батафсил битиб кўйилган, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадислар орқали, суннатлари ила кўрсатиб берганлар, бизга қолгани амал қилиш, холос.

**Шамс**

### Адабиётлар рўйхати:

1. Қуръони Карим
2. Имом Ғаззолий. “Уйланиш одоби”
3. Имом Бухорий. “Адабул муфрад”
4. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Бахтиёр оила”
5. “Тарбияте авлаад” китоби
6. Интернет сайтлари ва ҳоказо



## Мундарижа:

Сўзбоши .....	3
Уйланишдан олдин лозим бўлган амаллар.....	5
Совчилик.....	7
<i>Биринчи ҳикоя</i>	
Хотиннинг эрга таъсири .....	8
Келин танлашда тавсиялар.....	9
Никоҳ тўйини қилиш кимнинг зиммасида .....	11
Бахтли бўлишнинг ўн сири.....	13
Никоҳдаги зиддиятни ечиш учун тўрт қадам .....	16
<i>Иккинчи ҳикоя</i>	
Ҳикмат .....	19
Эр ва аёл ҳақ-ҳуқуқлари .....	21
Аёлнинг эрига нисбатан риоя қиладиган одоблари .....	30
<i>Учинчи ҳикоя</i>	
Солиҳа аёл .....	33
Куёвга мактуб.....	34
Эрнинг аёлига мактуби .....	41
Хотиннинг эрдаги ҳақлари.....	43
Келинга мактуб .....	46
Пайғамбаримиз алайҳиссалом ва Оиша онамининг ўзаро буюк муҳаббатлари .....	51
<i>Тўртинчи ҳикоя</i>	
Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам.....	66
<i>Бешинчи ҳикоя</i>	
Қайтар дунё.....	70
Бола туғилиши муносабати ила амал қилинадиган одоблар .....	71
<i>Олтинчи ҳикоя</i>	
Биринчи фарзанди қиз туғилган аёл баракалидир .....	72
Қайнонага мактуб.....	73
Ота-онага яхшилик .....	81
Уларнинг муҳаббати – Аллоҳнинг мўъжизаси.....	82
Жаннатга йўл.....	83
Сўнгсўз ўрнида .....	86
Адабиётлар рўйхати .....	86

*Диний-маърифий нашр*

## **БАХТ ҚАСРИ**

**Мухаррир** *Зухраҳон Ҳамдамова*  
**Бадий муҳаррир** *Иzzат Йўлдошев*  
**Рассом** *Рухсора Азизова*  
**Мусахҳих** *Зухраҳон Ҳамдамова*  
**Саҳифаловчи** *Умида Валижоновна*

Нашриёт лицензия рақами АИ № 290. 04.11.2016  
2021 йил 11 январда босишга рухсат этилди.  
Бичими 84x108<sup>1/32</sup>. Cambria. Офсет босма.  
4,62 Шартли босма тобоқ. 2,74 Нашр босма тобоғи.  
Адади 5000 нусха. 30 -рақамли буюртма.  
Баҳоси шартнома асосида.

Ғафур Ғулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.  
100128, Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-83-29

Факс: (371) 241-82-69

[www.gglit.uz](http://www.gglit.uz)    [info@gglit.uz](mailto:info@gglit.uz)





# Бахт қасри

10000

- \* Бахтли бўлиш сирлари
- \* Келин танлашни биласизми?
- \* Ойша онамизнинг буюк муҳаббатлари
- \* Муҳаббат – Аллоҳнинг мўъжизаси
- \* Жаннатга йул

18+



ISBN 978-9943-700



9 789943 7001